Ватанни севмак иймондандур!

Ўзбекистон овози

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг газетаси

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

1994 йил 19 июль, сешанба № 117 (21.721).

Сотувда эркин нархда:

ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 16 июль куни Германия Федератив Республикаси Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт федерал вазирлиги расмий делегацияси раҳбари, парламент давлат котиби Ганс Петер Репникни ҳамда Германиядаги Аденауэр фонди бошқаруви раиси доктор Герд Ланггутни қабул қилди.

Ислом Каримов Ўзбекистон ва Германия ўртасида тобора кенгайиб бораётган ҳамкорлик алоқалари тўғрисида сўзлар экан, ўзбек мутахассисларининг Германияда ўқиб, тажриба орттириб қайтишида Аденауэр фонди катта ёрдам бераётганини алоҳида таъкидлади.

— Биз Германия билан нафақат иқтисодий, балки маданий, маънавий ва сиёсий соҳаларда ҳам яқин ҳамкорликни кенгайтириш тарафдоримиз, — деди мамлакатимиз раҳбари.

Меҳмонлар республикамиз Президентига Германия ҳукумат раҳбарларининг қизғин саломини етказдилар. Мулоқот чоғида ўзаро ҳамкорлик муносабатларини янада мустаҳкамлаш, Ўзбекистонда миллий валютага ўтиш жараёнининг бориши, Марказий Осиё давлатларининг минтақавий ҳамкорлиги истиқболлари тўғрисидаги ва бошқа кўпгина масалалар юзасидан фикрлашилди.

Қабул маросимида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари У. Султонов, ташқи ишлар вазири С. Саидқосимов, Тошкент шаҳри ҳокими К. Тўлаганов, республика Миллий банки бошқаруви раиси Р. Азимов қатнашди.

Учрашувда Германия Федератив Республикасининг мамлакатимиздаги фавқулодда ва мухтор элчиси Карл Хайнц Куна ҳозир бўлди.

(ЎзА).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

Р. Р. ЮНУСОВНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ВАЗИРИНИНГ ЎРИНБОСАРИ ЭТИБ ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Рустам Расулович Юнусов Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари этиб тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1994 йил 18 июль.

БУЮК БАЙРАМ ТАРАДДУДИ

Республикамиз меҳнаткашлари, бутун халқимиз мустақиллигимизнинг уч йиллигини муносиб кутиб олиш ишларини аллақачон бошлаб юборган. Зотан, бу байрам мамлакатимиздаги барча байрамларнинг асосийси, бошқача айтганда, бош байрамимиздир. Мазкур байрамни ҳар томонлама муносиб кутиб олиш, меҳнат совғалари тайёрлаш юртимиздаги ҳар бир фуқаронинг асл нияти, шарафли бурчи бўлмоғи керак. Шунинг учун ҳам республика Вазирлар Маҳкамаси мустақиллик байрамини кенг нишонлашга доир махсус қарор қабул қилди. Шу қарорга биноан байрамга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича республика ташкилий қўмитаси тузилган эди. 16 июль куни Вазирлар Маҳкамасида ана шу ташкилий қўмитанинг биринчи йиғилиши бўлди. Йиғилишни республика бош вазирининг биринчи ўринбосари, ташкилий қўмита раиси И. Жўрабеков қисқача кириш сўзи билан очди.

— Республикамизда тарихан қисқа, мустақилликка эришилганидан буён-ўтган салкам 3 йил мобайнида ғоят улкан ўзгаришлар рўй берди, — деди И. Жўрабеков. — Иқтисодий ислоҳотлар, мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш, деҳқонларга ер бериш ва бошқа соҳалардаги тарихий ўзгаришларни эслатиш кифоядир. Шу давр ичида юртимиз жаҳонга юз тутди. Бугун ўлкамизда ўнлаб хорижий давлатлар билан ҳамкорликда очилган юзлаб қўшма корхоналар ишлаб турибди. Яқиндагина эса мустақиллигимизнинг асосий белгиларидан бири бўлган миллий валютамиз — сўм муомалага киритилди. Буларнинг ҳаммаси Президентимиз Ислом Каримов олиб бораётган ички ва ташқи сиёсатнинг амалий самараларидир.

Йиғилишда байрамга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишнинг дастури лойиҳаси муҳокама қилинди ҳамда тасдиқланди. Мустақиллигимизнинг 3 йиллигига қадар қуриб битказилиши лозим бўлган объектлар кўриб чиқилди. Шунингдек, байрамнинг маданий тадбирлари хусусида ҳам фикр юритилди. Бу йил байрамни ўзига хос тарзда нишонлаш, ўтган йилдаги байрамлар тадбирларини иложи борича такрорламаслик ҳақида фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Йиғилишда Қорақалпоғистон Республикаси, барча вилоятлар ҳамда туманлар марказларида, шаҳар ва қишлоқларда, маҳаллаларда байрамга тайёргарлик ишларини кучайтириш ва бош байрамимизни муносиб кутиб олишнинг аниқ чора-тадбирлари белгилаб олинди. Матбуотда, радио ва телевиденеда мустақиллигимизнинг тарихий аҳамиятини очиб берадиган, ёшларда ватанпарварлик туйғуларини тарбиялашда кўмак берадиган чиқишлар, кўрсатув ва эшиттиришлар уюштириш, танловлар эълон қилиш лозимлиги таъкидланди. Шу билан бирга олимлар, ижодкор зиёлилар хўжалик ва корхоналарда, маҳалла ва қишлоқларда аҳолининг турли қатлами билан суҳбатлар, учрашувлар ўтказиши мақсадга мувофиқ деб топилди.

Йиғилишда Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Х. Жўраев, республика Олий Кенгаши Раисининг ўринбосари Б. Бугров, Бош вазир ўринбосарлари М. Қорабоев, М. Усмонов иштирок этдилар.

(ЎзА).

• *Халқаро ҳамкорлик*

ТАНИШИНГ: АДЕНАУЭР ФОНДИ!

18 июль куни пойтахтимизнинг Халқлар дўстлиги саройида Конрад Аденауэр фондини (ГФР) таништириш маросими бўлди. Ушбу тадбир фонднинг Марказий Осиё мамлакатлари — Ўзбекистон, Қозоғистон ва Қирғизистонда фаолият бошлаши муносабати билан ташкил этилди.

Тантанали очилиш маросимида фонд бошқаруви раиси доктор Герд Ланггут, Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири С. Саидқосимов, ГФРнинг мамлакатимиздаги фавқулодда ва мухтор элчиси Карл Хайнц Куна табрик нутқи сўзладилар. Нотиқлар Президент Ислом Каримовнинг 1993 йилнинг апрель ойидаги Германияга сафари Ўзбекистон — Германия ҳамкорлик алоқаларига катта куч бағишлагани қайд этдилар. Жумладан, ана шу ташриф чоғида Ўзбекистон билан Аденауэр фонди ўртасидаги муносабатларнинг илк пойдевори қўйилгани алоҳида таъкидланди. Келгусида ўзаро ҳамкорликнинг давомий ва самарали бўлишига ишонч билдирилди.

Анжуманда ГФР Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт федерал вазирлиги делегацияси раҳбари, парламент давлат котиби Ганс Петер Репник, Ўзбекистон Республикаси фан ва техника давлат комитети раисининг биринчи ўринбосари Тўхтапўлат Рисқиев маъруза қилдилар. Конрад Аденауэр фондининг Ўзбекистон, Қозоғистон ва Қирғизистон республикаларидаги мухтор вакили Вольфганг Шрайбер Марказий Осиё давлатлари, хусусан, Ўзбекистон билан ўзаро ҳамкорлик юзасидан тайёрланаётган лойиҳалар тўғрисида ахборот берди.

(ЎзА).

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ СИЁСИЙ ИЖРОҚЎМИНИНГ МАЖЛИСИ

18 июль куни Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши биринчи котиби М. Расулов раислигида МК Сиёсий ижроия қўмитасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

Унда Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши Сиёсий ижроқўмининг Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг уч йиллигига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича тадбирлар режаси тўғрисидаги масала кўриб чиқилди. Қабул қилинган қарорда миллий мустақиллигимиз мазкур санасининг катта сиёсий ва тарихий аҳамиятга эга эканлиги таъкидланиб, умумхалқ байрамига пухта тайёрланиш ва уни юксак савияда ўтказишда партиямиз ташкилотларининг вазифалари белгиланди. Сиёсий ижроқўм шу борадаги қилинажак ишлар режасини тасдиқлади ва партия маҳаллий кенгашларига байрам тадбирлари мажмуини ишлаб чиқиб, уларни изчиллик билан амалга оширишни тавсия этди.

Тадбирлар режасида республикамизнинг таниқли олимлари, адиблар ва партия фаолларидан иборат тарғиботчилар гуруҳларини Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятларга юбориб, меҳнат жамоалари, ўқув юртлари ва аҳоли яшаш жойларида байрамолди учрашувлар, давра суҳбатлари, кечалар ўтказиш кўзда тутилган.

Сиёсий ижроқўм барча оммавий-сиёсий тадбирлар марказида миллий истиқлолнинг тарихий аҳамиятини, мустақиллик йилларида мамлакатимизда рўй берган туб ўзгаришлар, партиямиз Раиси, республикамиз Президенти И. А. Каримов бошчилигидаги мамлакатимиз раҳбариятининг ички ва ташқи сиёсатини, иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш йўлини амалга оширишга қаратилган фаолиятининг халқчил моҳиятини кенг тушунтириб турмоғи даркорлигини таъкидлади.

Мажлисда Марказий Кенгаш иккинчи котиби А. Жалоловнинг Ўзбекистон Халқ демократик партияси делегациясининг Хитой Халқ Республикасига ташрифи ҳақидаги ахбороти тингланиб, унинг якунлари маъқулланди.

Шунингдек, мажлисда партия ички ҳаётига тааллуқли бошқа масалалар ҳам кўрилиб, тегишли қарорлар қабул қилинди.

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши матбуот маркази.

АСКАР ҚЎШИҚЛАРИ ФЕСТИВАЛИ

Республикамизда Ўзбекистон мустақиллигининг уч йиллигига бағишланган аскар қўшиқлари умумармия фестивали бошланди. Фестивалда республикамиз қуролли кучларининг барча қисмлари ва ўқув юртларидаги ижодий жамоалар, яккахон ижрочилар, ҳарбий-ватанпарварлик мавзусидаги қўшиқлар муаллифлари иштирок этишмоқда.

Фестивалнинг дастлабки босқичи танловдан иборат бўлди. Самарқанд ва Чирчиқ шаҳарларида бўлиб ўтган танловлар ниҳоятда қизиқарли ва сермазмунлиги билан барчанинг эътиборини қозонди. Бу танловларда «Голубые береты» вокал-чолғу дастаси, оддий жангчи А. Муртазоев, курсант О. Ибодуллаев, хизматчи В. Савенков ва бошқа ҳаваскор артистлар ғолиб деб топилди.

Аскар қўшиқлари умумармия фестивали август ойида Тошкентда, республика қуролли кучлари марказий зобитлар уйида якунланади.

Аскар қўшиқлари фестивали учинчи йил ўтказилмоқда. Ўтган йиллар тажрибаси бундай фестивалларнинг истеъдодини намоён қилиш, аскарларни ватанпарварлик ҳамда мустақил Ватанга меҳр-муҳаббат руҳида тарбия қилишга кўмаклашишини кўрсатди.

(ЎзА мухбири).



Катта тўйнинг ташвиши ҳам қувончи ҳам катта бўлади. Шу боисми, вазирлигимизга қарашли барча муассасаларда Ўзбекистон истиқлолининг уч йиллиги олдидан тайёргарлик ишлари қизғин. Байрамни кўтаринки руҳда ўтказиш, қайта тикланаётган миллий қадриятлар, анъаналар ва урф-одатлар, ёш авлодни ватанпарварлик ва миллий ифтихор руҳида тарбиялашга хизмат қиладиган расм-русумларни тарғиб қилиш ҳар бир маданият ходимининг жонажон бурчи.

КАТТА ТЎЙГА ТЎЁНАМИЗ БОР

Театрларимиз ўзларининг энг сара асарларини тайёрлашяпти. Маданий-маърифий муассасалардаги 2656 та клуб, 98 та маданият ва истироҳат боғида, 6764 та оммавий кутубхоналарда китобхонлар кечалари, санъат байрамлари, бадиий ҳаваскорлик жамоаларининг янги дастурлари кенг томошабинлар ҳукмига ҳавола этилади. Таниқли ёзувчи ва шоирлар, маданият ва санъат арбоблари, олимлар билан мулоқотлар, кўрик-танловлар, кўргазмалар ташкил этилмоқда.

Қашқадарё вилоятининг Шаҳрисабз шаҳрида оилавий ансамблар, катта ашула ҳамда лапар ижрочиларининг республика ғолиблари, ёш келинларнинг вилоят кўриклари ана шу байрам олдидан ўтказилган илк синовлардан бўлди.

Халқ ижодиётининг бошқа тармоқлари бўйича ҳам вилоятларда ўнлаб шунга ўхшаш қизиқарли кўрик-танловлар уюштирилмоқда. Шунингдек, уч йиллик байрамга бағишлаб Андижон вилоятида «Меҳнатим, санъатим сенга, ҳур Ватан!» деб номланган санъат ва маданият кунлари ҳар ҳафтанинг шанба ва якшанбасида ўтказилмоқда. Байрамни муносиб кутиб олиш, халқлар ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш, миллий маданиятимиз, халқ ҳунармандчилигини янада ривожлантириш ҳамда тарғиб қилиш, аҳолининг маданий ҳордиқ чиқариши, маданият ва истироҳат масканлари фаолиятини яхшилаш бу тадбирнинг асосий мақсади.

Фарғона ва Наманган вилоятларида анъанавий «Гул байрамлари» катта халқ сайллари сифатида ўтмоқда. Навоий ва Тошкент вилоятларида бадиий ҳаваскорлик жамоаларининг кўрик-беллашувлари бошланиб кетди. Тошкент вилоятининг Зангиота тумани маданият уйи қошидаги «Ҳосил» ашула ва рақс ансамбли кўрик-танлов ғолиби сифатида Туркияда ўтказилаётган Халқаро бадиий жамоалар фестивалида қатнашиб, катта муваффақиятларга эришиб қайтди. Бухоро вилоятида анъана ва маросимларни ўзида акс эттирган туманлараро танловлар ўтяпти. Асосий якунловчи босқич 31 август ва 1 сентябрь кунлари вилоят марказий шаҳарларида якунланади.

Вилоятлар ва туманлардан узоқларда бўлган чорвадорларга, қурувчиларга, кончи ва ўрмончиларга байрам кунлари 300 дан зиёд автоклуб маданий-маърифий тадбирлар ташкил этиб, уларнинг байрам тантаналари сермазмун ўтишига ўз ҳиссаларини қўшадилар.

Республикамизда ўтадиган барча байрамолди маданий тадбирларда ўз чиқишлари билан халқимиз эътиборини қозониб келаётган энг яхши бадиий ҳаваскорлик жамоалари, бадиий сўз усталари, бахши-шоирлар, аскиячи-қизиқчилар, дорбозлар ҳамда халқ ижодиётига тааллуқли кўрик-танловларнинг ғолиблари фаол қатнашадилар.

Пойтахтимизнинг ўн битта тумани марказий майдони, маданият ва истироҳат боғларида ҳам катта байрам дастурлари намойиш этилади. Мустақиллик майдонида «Меҳржон» маданият ва истироҳат боғи қошидаги дорбозлар гуруҳи. Халқлар дўстлиги майдонида Сирдарё вилоятининг Анваржон Мўйдинов раҳбарлигидаги дорбозлар гуруҳи, Алишер Навоий номли театр майдонида Турсунали Маматжонов раҳбарлигидаги «Водил чинори» миллий цирк гуруҳининг томошалари бўлиб ўтади.

Болалар Бадиий ижодиёти республика марказида «Ўзбекистоннинг бахтли болаларимиз» мавзусида болалар мўйқалам ижодкорларининг республика кўргазмаси, Алишер Навоий номидаги Давлат кутубхонасида эса «Нодир китоблар» кўргазмаси ўтказилади.

1994 йилда репертуар-таҳрир бўлими халқимизнинг маънавий эркинлиги, миллий қадриятларимиз ва истиқлолимизни таннум этувчи О. Эгамбердиевнинг «Бахтиёрлар давраси», Салоҳиддин Сирожиддиновнинг «Оқ момо ортидан» бир пардали драмалари, Нодим Норхўжаевнинг «Туркистон ўғлони» қўшиқлари қабул қилиниб, саҳналаштириш ва ижро этиш учун нуфузли бадиий ҳаваскорлик жамоаларига тақдим этилди.

Бир дарахтнинг илдизлари ҳисобланмиш Марказий Осиё халқлари ўртасидаги қондошлик анъаналарини янада мустаҳкамлаш мақсадида байрам тантаналарида қўшни давлатлар вакиллари, бадиий ҳаваскорлик жамоалари қатнашчилари ҳам иштирок этишлари кўзда тутилган. Жумладан, Қашқадарё вилоятида ўтказиладиган тадбирларга Туркманистон Республикасининг Чоржўй вилояти, Хоразмда қўшни Тошҳовуз, Андижонда — Ўш, Тошкентда — Шимкент, Фарғонада — Хўжанд меҳнаткашлари, ёзувчи-санъаткорлар ижодий гуруҳлари вакиллари таклиф этиладилар. Вилоятлар, шаҳар ва туманларда «Ўзбекистон — Ватаним менинг» деб номланган халқ сайллари ўтказилади.

Балки уч йил тарих олдида лаҳзадай гапдир. Лекин Ўзбекистон учун, қолаверса, ўзбек халқи учун бу ҳисоб кичкина эмас. Чунки ўтган ана шу уч йил бизни синовлардан ўтказди. Катта дунё билан борди-келдиларимиз янада мустаҳкамланяпти. Ўз овозимиз, ўрнимиз сезилмоқда.

Бу тўй — катта юртнинг катта мамлакатнинг тўйи. Шунинг учун бу кунни ҳаммамиз орзиқиб кутаётирмиз.

Рустам ХЎЖАЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлигининг бошқарма бошлиғи.

ФЕРМЕРГА КИМ ҚАЙИШАДИ?

Фермерлик ҳаракати иқтисодий қийинчиликларга қарамай ўз самарасини бера бошлади. Очиғини айтганда, бизнинг тараққий этган давлатлар фермерларидан фарқимиз ҳали жуда катта. Масалан, Америкадаги фермерларга хизмат кўрсатадиганлар сероб. Бири фермерга ерини ҳайдаб, экин ҳосилини йиғиб берса, бири техникасини созлайди, бири унинг маҳсулотини олиб кетади. Яна бири фермернинг ёнида юриб, унга маънавий ёрдам беради, тажрибаларини эса оммалаштиради. Хўш, биздаги фермерларга ким қайишади? Асосан ўзи елиб-югуради. Тўғри, уни давлат ҳимоя қилади, лекин фермерликнинг ривожланишига қарши бўлган тўралар, буйруқбоз ва ваъдабозлар оз эмас.

Деҳқон (фермер) ўз меҳнати билан яратган маҳсулотини эҳтиёжидан орттириб халққа берса, оиласининг тўкин-сочинлигини ўйласа, янгилик ташаббускори иқтисодий ислоҳотларнинг амалга оширишига ўз ҳиссасини қўшса, бу нур устига нур эмасми? Юртбошимизнинг мақсади ҳам шу-ку?! Эски сиёсат, тайёрга айёрлик эса ўз умрини ўтаб бўлди. Лекин биз ҳали ҳам унинг оғирлигидан қутулолганимизча йўқ.

Ўзаро ҳамкорликнинг аниқ дастури ҳамда маҳсулот сотиб олишда ёрдам кўрсатиш борасида Ўзбекистон ва Германия Федератив Республикалари ўртасида молиявий ҳамкорлик ҳақидаги битимлар имзоланди.

• *ИҚТИСОДИЁТ ЧОРРАҲАЛАРИДА*

Германия Федератив Республикаси парламенти давлатга 30 тоннага яқин гўшт, 50 тоннадан ортиқ сут топширди. Ҳозир 50 бош қорамол, шунча қўй-эчки, йилқилар, паррандалар парвариш қилинмоқда. Келажакда қорамоллар бош сонини юз бошга, йилқиларни 20—25 бошга етказиш ниятимиз бор. Бунга жойимиз ҳам, имконимиз ҳам етарли.

Мақсадга ўтсак — фермер бўлиш учун асосан нималар керак? **Биринчидан,** ер, маблағ, жой, мол, техниканинг бажарилишини тегишли ташкилотлардан талаб қилмасак кўп ишларимиз ҳалибери ўнгланмайди.

Иккинчидан, деҳқон (фермер) хўжалиги механизмини ишлаб чиқиш лозим. У шундай бўлиши керакки, фермер хўжаликлари келажакда ҳозир мавжуд бўлган жамоа ва бошқа хўжаликлар билан маҳсулот етиштиришда ва туманда қилинадиган ишлар кўп. Ҳал этилмаган ўз ечимини кутаётган муаммолар бор. Айниқса, ерни васиқа асосида бериш сабабсиз пайсалга солинмоқда. Беҳуда қоғозбозлик ва ваъдалар кимга керак? Амалий ишга ўтмасак, ўз ҳуқуқимизни билмасак, Президент Фармонига қараб рақобат қила оладиган кучга айлансин.

Гап фермерга оёққа туриб олгунча шарт-шароитларни яратиб бериш ҳақида бормоқда. Чунончи, уларга ичимлик сўви, алоқа тармоғи, электр энергия, йўл, техника, асбоб-ускуна, зооветеринария хизмати ҳаводек зарур.

Учинчидан, фермер хўжаликлари ишлаб чиқариш тармоқларини кенгайтириш керак. Айтайлик, агар эпласа, чорвачилик, деҳқончилик, паррандачилик, балиқчилик, боғдорчилик, асаларичилик каби соҳаларни ҳам бирга олиб борсин.

Фермер хом ашёни қайта ишлаши, ўз дўконига эга бўлиши, чет эл фермерлари билан муносабат ўрнатиши замон талабидир.

Ҳозирги шароитда фермернинг ҳомийси бўлмаса, иш секинлашади. Жамоа хўжаликлари худди шу ҳомийлар. Чунки, фермерлар жамоа хўжалигининг доимий йўлдошидир. Яқин келажакда жамоа хўжаликларининг ўзи йирик кооператив хўжаликларга айланишига умид киламиз. Унинг таркибида фермерлар, ширкатлар, кичик корхона ва ижарачилар бўлади. Маъмурий-буйруқбозлик ва давлат буюртмалари барҳам топади. Фақат шартномалар асосида иш юритилиб, солиқ тизими кучга киради.

Хуллас фермерлик — амал эмас. У айниқса, ҳозирги шароитда кўп меҳнат, ғайрат, изланиш ва тадбиркорликни талаб этадиган касбкордир. Ана шу талабларга жавоб берадиган фермергина омад кулиб боқади.

Мирзаҳамдам БОЙМУРОДОВ,
Бекобод туманидаги «Ғалаба» жамоа хўжалиги фермери Ўзбекис-

СЎМ БАҚУВВАТ БЎЛМОҒИ ЛОЗИМ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг кенгайтирилган мажлиси бўлди. Мажлис иштирокчилари — Марказий банк департаментлари директорлари, бошқарма бошлиқлари, Марказий аппарат ва вилоят бўлимларининг етакчи мутахассислари, шунингдек тижорат банкларининг раҳбарлари мамлакат пул-кредит тизимини самарали бошқариш, миллий валютамиз амал қилаётган дастлабки босқичда сўмнинг қувватини ошириш билан боғлиқ долзарб масалаларни муҳокама қилдилар.

Марказий банк бошқаруви раиси Ф. Муллажонов ўз маърузасида банк ходимларининг асосий вазифаси республикамиз Президентининг миллий валютани муомалага киритиш хусусидаги фармони ҳамда ҳукуматнинг ҳақд пул муомаласини тартибга солиш ва мамлакат банк тизимига молиявий ёрдам кўрсатиш бўйича чиқарган қарорларида ўртага қўйилган масалаларни ҳал этишдан иборат эканини таъкидлади. Иқтисодиётнинг ривожланиши ва ишлаб чиқаришни юксалтиришни рағбатлантириш, пул қадрсизланишининг олдини олиш учун ўтказилаётган пул-кредит сиёсатининг имкониятларига алоҳида эътибор қаратилди.

Йиғилишда республика Бош вазирининг ўринбосари, молия вазири Б. Ҳамидов нутқ сўзлади.

(ЎзА).

БИТИМЛАР ИМЗОЛАНДИ

Германия Федератив Республикаси парламенти давлат бошчилигидаги Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт федерал вазирлиги расмий делегацияси аъзолари 18 июль куни Вазирлар Маҳкамасида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари, ташқи иқтисодий алоқалар вазири Ўткир Султонов ҳамда Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ва Германия Федератив Республикасининг Ўзбекистондаги мухтор элчиси Карл Хайнц Куна ўртасида Ўзбекистон ва Германия Федератив Республикалари ўртасида молиявий ҳамкорлик ҳақидаги битимлар имзоланди.

• *Котиблар ҳақида ҳикоялар*

ЭРТАГА ПЛЕНУМ БЎЛАДИ

Ангрен шаҳар партия кенгаши биринчи котиби Абдумуталиб Кўканов навбатдаги пленумга анча олдин тайёргарлик кўриб қўйган бўлса ҳам негадир кунги таскин топмаётганди. Бунда гап пленумда қўйилаётган масалаларнинг хилма-хиллиги ёки аввалгиларидан мураккаблиги билан фарқланаётганида ҳам эмасди. Уни ташвишга солаётган нарса шу эдики, пленум кун тартибидаги муаммолар ечими кейинчалик амалий тус оладими ёки чигаллигича қолиб кетадими? Шу боис айрим фаоллар билан масаланинг бу жиҳатларини яна бир карра мулоҳаза тарозисига қўйиб кўрмоқчи бўлди.

ҲОКИМ НЕГА КЕЧ ҚОЛДИ?

Кўмирчилар шаҳри кўп миллатли. Йирик саноат корхоналарида юртимиз ривожига улуш қўшаётганлар мазҳаби ва миллати, касбикори ва дунёқарашидан қатъи назар, тинч-тотувликда, аҳиллиқда меҳнат қилмоқдалар. Юртбошимиз, ҳукуматимизнинг республикамизда яшаётган барча миллатларнинг фаровон яшашига қаратилган сиёсати, амалий ишларига жавобан ҳар ким ўз иш жойида қатъий тартиб ўрнатиш пайида бўлаётир. Иқтисодий алоқалар анча издан чиққанига қарамасдан шаҳардаги 28 та корхонанинг ярмидан кўпи ярим йиллик режаларини ортиғи билан бажаришга эришди. Бунда мавжуд 51 та бошланғич партия ташкилотининг қўшган муайян ҳиссасини унутмаслик керак. Бироқ, шаҳар аҳолисига яшаш ва меҳнат шароитини яратиб беришда шундай муаммолар борки, уларни фақат республика доирасида ҳал этиш мумкин. Шулардан бири — шаҳарга табиий газ келтириш масаласидир. Шу пайтгача шаҳар тармоғига табиий газ улаш муддатлари хусусида аниқ фикр айтилмаган. Иккинчи муаммо — ёқилғи масаласи. Бу ерда қишга тайёргарлик асосан ёз фаслидан бошланади. Гарчанд Ангрен шаҳар мақомида юритилса ҳам аслида аҳолининг 60 фоизи ҳудуд чеккасидаги қишлоқларда яшайди. Уларни ўтин, кўмир билан таъминлаш ҳар йили такрорланаётган ташвишли масалага айланиб қолган. «Ўзи кўмир қазиб олиб, ўзи ёқилғига ёлчимас эканда», деб таажжубланишингиз мумкин. Ҳа, шундай. Халқимизда бўзчи белбоққа ёлчимайди, деган мақол бекорга юрмаганидек, шахтёрларнинг қазиб олаётган «қора олтин»ларига ўзимизда ҳам, четда ҳам харидорлар бағоят бисёр. Учинчи муаммо — кўп қаватли уйларни сув билан таъминлаш. Ана шу муаммоларнинг ечимини топмасдан туриб, олдинга силжиб бўлмайди...

Асосий муаммолардан бири — газ масаласида Тошкентга кетиб ҳаяллаб қолган шаҳар ҳокими қўнғироғини кутиш асносида юқоридагилар яна Абдумуталибнинг ҳаёлидан ўтди. Зотан, ташвиш қилишга арзигулик бу муаммолар фақат ҳоким ёки тегишли ташкилотлар саъй-ҳаракатигагина боғлиқ бўлиб қолмай, айни пайтда шаҳар партия кенгаши, унинг фаоллари куч-ғайрати, ҳоҳиш-иродасига ҳам бевосита алоқадорлигини у яхши англарди.

ТАКЛИФ ВА ДАЛИЛЛАР

Нихоят, анча кеч марказдан етиб келган шаҳар ҳокими Тошпўлат Анорбоевдан қўнғироқ бўлиб қолди.

— Ёнингизда яна кимлар бор?— сўради у. Котиб бу саволдан «Агар кўпчилик бўлсангиз сизларни овора килмасдан ўзим етиб бораман» маъносини тушуниб, кенгашда ҳозир бўлганлар номини санай кетди: ҳоким ўринбосари Мамашарип Ҳасанов, Ўзбекистон ХДП вилоят кенгаши иккинчи котиби Шуҳрат Муҳаммаджонов, шаҳар халқ таълими бўлими мудири Эргаш Эшматов, «Облоқ» маҳалла қўмитаси оқсоқоли Ўринбой Муталлибов ва бошқалар.

— Унда ҳозироқ бораман! — деди ҳоким.

Кенгаш биринчи котиби бир неча соатлик мулоқот пайтида пишиб етилган таклиф ва мулоҳазаларни далиллар билан ҳокимга ахборот тарзида етказишни кўнглидан ўтказди. Жумладан, фаоллардан Иноят Сайфуддиновнинг Президент фармонлари юзасидан тарғиботташвиқот ишларини кучайтириш тўғрисидаги қуюнчак фикри эътиборга лойиқдир. Шаҳарда биринчи бўлиб бошланғич партия ташкилоти тузган «Облоқ» маҳалла қўмитасининг жиноятчиликка қарши қураш жабҳасидаги ташаббусининг самараси ўлароқ кейинги бир йил давомида маҳалла ҳудудида биронта жиноят содир этилишига йўл қўйилмади. Ёшлар тарбияси вазифаларнинг энг долзарби, деб белгилаб қўйилган ва барча тадбирлар ана шу йўналиш мезони билан ўлчанади. Ўн бир нафар ХДП аъзосининг ўй-маслаги бирлаштирган бошланғич ташкилот 1 сентябргача ўз сафини қарийб икки ярим бараварга кенгайтирмоқчи. Ёқилғи муаммосини ҳал қилиш партия аъзолари бўлган кўмир кони раҳбарлари виждонига ҳавола этилди. Шаҳар кенгашининг уруш ва меҳнат фахрийлари кенгаши, Ёшлар Иттифоқи ҳамда бошқа ташкилотлар билан ҳамкорликда қиладиган юмушлари аниқ: юртбошимизнинг «Юксак малакали ва маънавиятли инсонларгина келажакни қура олади», деган ўгитига амал қилиш. Айни пайтда ўғил-қизларнинг камолотини ўйлаб иш тутаётган мактаблар, интернат ва болалар уйлари муаллимлари фаолиятига ҳам одилона баҳо бериш лозим. Яқинда республика олимпиадасида Тошкент вилояти шарафини ҳимоя қилган ўқувчиларнинг кўпчилиги Ангрен ҳиссасига тўғри келгани халқ таълими тизимида ҳали кўп хайрли ишларга қўл урилажагидан нишона. Шаҳар партия кенгаши эса ўз навбатида эътиборни иқтисодий ислоҳотларни ҳаётга татбиқ этиш юзасидан тарғибот ишларини кучайтиришга қаратади. Шаҳар кенгаши бундан кейин ҳам ҳақиқий ишбилармонликни, раҳбарликнинг ҳалол ва покиза услубларини, талабчанликни ратбатлантириб бораверади. Бўлажак сайловларга тайёргарликни янада кучайтиришга диққат-эътибор қаратилаётир. Номзодлардан кўпчиликни ХДП аъзолари ташкил этишига, бошқа партия вакиллари билан халқ фаровонлигига қаратилган вазифаларни баҳамжиҳат бажаришга эришиш ниятимиз бор. Хуллас, ХДП таъсиридан четда турган биронта корхона ёки ташкилот бўлмаслигини таъминлаш ва барча соҳаларда ҳокимлик билан баҳамти иш кўриш ниятидамиз...

Абдумуталиб Кўканов ҳоким билан учрашувда ана шуларни айтишни кўнглига тугиб турганида унинг ўзи кириб келди.

— Энг асосий муаммо ҳал бўладиган бўлди,— деди ҳоким,— шаҳарни газлаштиришга розилик олиб қайтдим...

Барча қатори шаҳар кенгаши котиби учун ҳам бу хушхабар кўп маъноли англатарди. Шунда эртага ўтказиладиган пленум иштирокчиларининг бу хабарни эшитгандан кейинги ҳолатларини кўз ўнгига келтирди. Бинобарин, шаҳар партия кенгашининг Президентимиз И. А. Каримовнинг Олий Кенгаш XV сессиясида сўзлаган нутқи ва Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши пленуми қарорларидан келиб чиқадиган вазифаларига бағишланган анжуманга тайёргарлик ишлари бугун янада пишиқтириб олинганди. Демак, эртанги пленум яхши ўтишига энди унда шубҳа қолмаганди.

Абдунаби МАННОПОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

• *Ҳудудий ташкилотларда*

ЖУМАБОЙ БУВА— ПАРТИЯ АЪЗОСИ

Қорасув шаҳрининг Хўжа Аҳмад Яссавий маҳалласида кўпни кўрган пиру бадавлат отахон Жумабой бува Эрматов истиқомат қилади. 90 ёшни қоралаган бўлса-да, ўзини ҳамиша тетик ва бардам ҳис қилувчи бу табаррук инсоннинг хонадонидан доимо меҳмон аримайди. Шу атрофдагилар ҳатто қўшни маҳаллалардан ҳам турли маслаҳат ва юмушлар билан Жумабой бувани ҳузурига келиб туришади. Унинг йўл-йўриқлари, дуосини олишади. Аёнки, маҳалланинг ўзига яраша юмуш ва ташвишлари бор. Айтайлик, бирон бир хонадонда тўй ёки маъракa ўтказилянти. Албатта, бундай пайтда Жумабой бува каби отахонлар хонадон соҳибларининг маслаҳатгўйига айланишади. Йиғиндларни кам чиқим, серфайз ўтказишга ҳаракат қилишади.

Маҳалла — аҳиллик қўрғони. Унинг Жумабой бува Эрматов каби пиру бадавлат отахонлари бор экан, бу қўрғонга асло зиён-заҳмат етмагай. У янада мустаҳкамланиб бораверади. Хўжа Аҳмад Яссавий маҳалласининг ташкил этилганига яқинда ўн йил бўлди. Шу давр мобайнида у юксалиб, тинчлик-тотувлик масканига айланди.

Айни пайтда бу ердаги 502 та хонадонда 2887 нафар аҳоли истиқомат қилаётир. Маҳаллада ҳудудий партия ташкилоти тузилган бўлиб, унинг таркибида ҳозирча беш нафар партия аъзоси бор. Жумабой бува қарасаки, ХДП аъзолари кун сайин фаоллашиб боряпти. Улар маҳалланинг катта-кичик барча юмушларида бирдек иштирок этишяпти. Жумабой буванинг ҳам ҳаловати йўқолди. Унда ўз номи билан чинакамига халқ партияси бўлган Ўзбекистон ХДП сафида бўлиш иштиёқи туғилди. Отахон ниҳоят, мудаосига эришди. Яқинда у ХДП сафига кирди. Унга партия билетини топширишга бағишланган маросим ҳам тантанага айланиб кетди. Яъни шу куни Қорасувда вилоят бўйича бошланғич партия ташкилотларининг кўргазмали семинари ўтказилаётган эди. Вилоят туманларининг партия етакчилари иштирокида Ўзбекистон ХДП Андижон вилоят кенгаши биринчи котиби Расул Мухторовнинг ўзи Жумабой бувага партия билетини топширди ва партияга бўлган ишонч-эътиқоди учун унга миннатдорчилик билдирди.

Олти фарзанд, 37 невара, 12 чеварага бош бўлиб, кампири Хосиятхон ая билан бахтиёр ҳаёт кечираётган Жумабой буванинг тутган йўлига ажабланмасак ҳам бўлади. Бу катта оилада партияга садоқат мустаҳкам. Унинг икки ўғли ва бир қизи ҳам ХДП аъзоси. Энди отахон ҳам фарзандларига сафдош бўлди.

Рустам АҲМАДАЛИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ ЁЗАДИЛАР

ЭЗГУЛИК

Куни кеча Жиззах вилоятига халқаро «Экосан» ҳайрия жамғармасининг мурувват ёрдам кўрсатувчи махсус поезди келди. Инсон саломатлиги, атроф-муҳитни асраш бош мақсади бўлган гуруҳга Қодир Содиров раҳбарлик қилмоқда. Поезд жамоаси ўттизга яқин малакали шифокорлардан, олимлардан ташкил топган. Улар бир ҳафта давомида Жиззах вилояти меҳнаткашларига тиббий ёрдам кўрсатадилар. Шаҳар ва қишлоқларда, даволаш муассасаларида бўлиб, амалий ёрдам берадилар.

Пардабой ТОЖИБОЕВ.

ГУЛРУҲНИНГ ОРЗУСИ

● СУРХОНДАРЁ. Маълумки, бу йил оила йили. Шу муносабат билан Шаҳрисабзда оилавий дасталар бўйича республика кўрик-танлови ўтказилган эди. Нафосат баҳсининг истеъдодли ёш ижрочиси, сурхондарёлик Гулруҳ Абрайқулова Тошкентга келмоқчи.

Кўрикда ҳозир бўлган республика маданият ишлари вазири Э. Ҳайитбоев ва ЮНЕСКО халқаро ташкилотнинг вакиллари эндигина 6 баҳорни қаршилаган Гулруҳнинг чиқишларини юқори баҳолашди.

— Туманимизда иштирок этган «Жон болажон» номли Абрайқуловлар оилавий дастасининг республика кўригида учинчи бўлишидан мамнунмиз,— дейди Шўрчи тумани маданият уйи директори Раҳматилла Мўминов.— Бу дастанинг муваффақиятида Гулруҳнинг ҳиссаси катта. У ҳали боғча боласи бўлишига қарамай, 15 тага яқин қўшиқ ва лапарларни билади. Гулруҳнинг орзуси сентябрь ойида Тошкентда бўладиган Мустақиллик байрамида қатнашиш.

Абдуғаффор ОДИНАЕВ.

КИМОШДИ САВДОСИ

● БУХОРО. Давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш вилоят бошқармаси навбатдаги ким ошди савдосини ўтказди.

Савдода ҳаммаси бўлиб 22 та жой сотувга қўйилди. Шундан 11 тасига харидор топилди. Қадимий шаҳарнинг Регистон майдонида қурилган дўконлар (5 та) дастлабки нархдан бир неча баробар кўп — 475 миллион сўм-купонга сотилди. Бухоро туманида қурилиши бошланган сут заводи биноси эса 520 миллион сўм-купон баҳоланди. Ромитандаги меҳмонхона, Галаосиёдаги қурилиши тугалланмаган чойхона ва бошқа масканлар ҳам эгасини топди.

Даврон БАҲРОНОВ.

ФАХРИЙЛАР САФАРИ

● Андижон вилоятидаги 200 нафардан зиёд уруш ва меҳнат фахрийси қадимий ва навқирон Самарқанд ва Бухоро шаҳарларини зиёрат қилди.

Вилоят ҳокимлигининг ташаббуси билан уюштирилган бу сафар андижонлик фахрийларга тарихий меъморчилик санъати намуналари билан яқиндан танишиш имконини берди. Отахонлар Баҳоуддин Нақшбанд зиёратгоҳида бўлганларида орзулари ушалганидан мамнуният ҳосил қилдилар. Вилоят фахрийларига бундай иззат-икром кўрсатиш ўзига хос анъана бўлиб турибди.

Рустам АҲМАДАЛИЕВ.

НАФИС ТАҚИНЧОҚЛАР

● НАВОИЙ Зарафшон шаҳрининг жаҳонга юз тутишида рамзий маъно бор. Бонси мустақиллик шарофати билан кончилар шаҳрида хорижий технология ва асбоб-ускуналарга эга бўлган корхоналар очила бошланди.

Ўзбекистон — Америка ҳамкорлигида «Агама» ва «Зариспарк» қўшма корхоналарининг фаолияти айни муддао бўлмоқда. «Агама»да турли хил трикотаж буюмлари, аёл ва эркаклар ҳамда болалар устки кийимлари тайёрланаётган бўлса, «Зариспарк»да Мурунтов олтини қайта ишланиб, бежирим заргарлик буюмлари тайёрланмоқда. Бир йил аввал корхонада ўн нафар ишчи ишлаган бўлса, ҳозир уларнинг сафи 150 дан ошиб кетди. Корхонада ойига 200 килограммгача олтин қайта ишланиб, турли тақинчоқ, занжир ва узуклар ишлаб чиқарилмоқда. Бундай буюмларга хорижда қизиқиш катта.

Музаффар ШАРОПОВ.

Партия ахбороти

ЯКДИЛ ҚАРОР

Ўзбекистон ХДП Шаҳрихон туман кенгаши қошида соғлом авлод учун кураш борасидаги барча саъй-ҳаракатларни мувофиқлаштирувчи кенгаш тузиладиган бўлди.

Шаҳар партия кенгаши билан туман ва шаҳар фахрийлар уюшмаси, Ёшлар иттифоқи ва хотин-қизлар қўмиталарининг яқинда бўлиб ўтган қўшма пленумида яқдиллик билан шундай қарорга келинди.

Қўшма пленумда Ўзбекистон ХДПнинг Миллий истиқлол мафкураси асосида ёшларни мустақиллик ғояларига садоқат руҳида тарбиялаш, соғлом авлод учун кураш партия, Ёшлар иттифоқи, хотин-қизлар ва фахрийлар ташкилотларининг вазифалари кўриб чиқилди. Бу ҳақда туман партия кенгашининг биринчи котиби М. Отабоев маъруза қилди.

Қўшма пленумда туман ҳокими Х. Янгибоев иштирок этди.

«Ўзбекистон овози» мухбири.

ТАРБИЯЧИЛАР ХОҲИШ-ИРОДАСИ

Риштон шаҳридаги «Гулбаҳор» болалар боғчаси тумандаги энг намунали, илғор тарбия муассасаларидан бири. Бу ерда 280 нафар жажжилар тарбияланишади.

— Соғлом авлод учун ҳаммамиз ҳам масъулмиз,— дейди мудира И. Беляева.— Айниқса, Президентимиз И. А. Каримов раислик қилаётган Ўзбекистон Халқ демократик партияси бу борада катта ташкилий-сиёсий ишларни амалга оширмоқда. Бу эса биз тарбиячиларни ана шу партия сафига киришга ундади.

Боғча ходимларининг йиғилишида уларнинг барчаси ЎзХДП сафига ўтишга бир овоздан қарор қилишди. Айни пайтда бу ерда ўзбек, тожик, рус, татар каби турли миллат вакилларидан иборат 43 нафар аъзони жамлаган бошланғич партия ташкилоти ишлаб турибди.

А. ИБОДИНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

БЕВОСИТА МУЛОҚОТ

Самарқанд шаҳар партия кенгаши ташаббуси билан вилоят телевидениесининг 21-канали орқали бевосита мулоқот ўтказилди. Унда шаҳар партия кенгаши биринчи котиби Р. Юсупов, дорилфунун профессорлари Ҳ. Бегматов, М. Ўроловъ, доцент А. Қамарзода, шаҳар ёшлар қўмитаси биринчи котиби Т. Усмонов иштирок этдилар.

Мулоқот қатнашчилари телетомошабинларнинг кўплаб саволларига жавоб қайтардилар, жойларда партия обрўси ва таъсирини ошириш борасида амалга оширилаётган ишлар хусусида сўз юритдилар.

Ф. ТОШЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.



Косонсой шойи тўқиш ҳиссадорлик бирлашмаси жамоаси кейинги йилларда маҳсулот сифатини ошириш, унинг турларини кўпайтириш борасида бирмунча ютуқларга эришди. Кейинги уч йил ичида корхонанинг ўнта филиали очилди.

Суратларда: 1. Тайёр маҳсулотлар цехи назоратчиси Майрам Мўйдинова. 2. Кекса тўқувчи Аҳмадхон Ҳамроҳўжаев. 3. Тўқувчи Кимё Каримова.

Турғун МАҲКАМОВ олган суратлар.

• *ЎЗ-ЎЗИНИ БОШҚАРИШ МАҲАЛЛИЙ ИДОРАЛАРИДА*

ТЎРТОВЛОН ТУГАЛ БЎЛСА...

Хоразм вилояти ҳокимлиги маҳаллалар билан ишлашга алоҳида эътиборни қаратмоқда. Вилоят ҳокимининг муовини Яхшимурод Жуманиёзов бошчилигида ХДП вилоят кенгаши, «Маҳалла» хайрия жамғармасининг вилоят бўлими, халқ таълими, соғлиқни сақлаш, ички ишлар бошқармасининг масъул ходимлари, ёшлар иттифоқи, диний ва бошқа жамоат ташкилотлари вакилларидан иборат нуфузли гуруҳ тузилиб, биргаликда фаол ҳаракат қилинмоқда.

Яқинда мухбиримиз Я. ЖУМАНИЁЗОВга айрим саволлар билан мурожаат қилди.

— Сиз ўз фаолиятингизни жамоат ташкилотлари, хусусан маҳаллалар билан ишлашга қаратяпсиз. Бунинг тагида қандай «сир» бор?

— «Сир» ҳам, муаммолар ҳам, очилмай турган қўриқ, кўпгина жумбоқларнинг калити ҳам худди ана шу сиз айтган жамоалар — маҳаллаларда яширинган. Ҳурматли юртбошимиз «Маҳалла — ижтимоий-сиёсий ҳаётимиз кўзгуси» деб бежиз айтмаганлар.

Маълумки, маҳалла миллий урф-одатларимиз, удумларимиз шаклланадиган, камол топадиган макон, яшаш тарзимизнинг ойнаси. Маҳалла кишиларни имон-эътиқодли, меҳр-шафқатли, эл-юрт юмушига камарбаста, Ватанга садоқатли қилиб тарбиялашда катта аҳамиятга молик жой.

Дарҳақиқат, биз йил бошиданоқ гуруҳ тузиб, график асосида навбатма-навбат вилоятнинг шаҳар ва туманларига бориб, улардаги маҳаллаларнинг шу кунлардаги ишлари билан яқиндан танишяпмиз. Бундан кўзланган мақсад — халқ ҳаётини чуқурроқ билиш, ўлкадошларимиз кайфиятини англаш, бозор иқтисодиётига ўтилаётган қийин бир шароитда аҳоли истиқомат қилаётган жойларда пайдо бўлаётган муаммоларни ўрганиш ва шулар асосида жамоат ташкилотлари билан ишлашнинг янги йўналишдаги режа-тадбирларини тузишдир.

— Ислоҳотни маҳаллаларда ҳам бошлашимиз керак, демоқчисиз-да?

— Шундай, ислоҳот деганда кўпчилик фақат иқтисодий ўзгаришларни тушунади, аҳоли моддий аҳволининг яхшиланишини назарда тутади, холос. Ҳолбуки, кишилар онгини, дунёқарашини ўзгартмасдан туриб, улар иқтисодий аҳволини яхшилаш мушкул. Мана бу ёғи эса энди мафкура билан боғланиб кетади. Эсингизда бўлса, олдинлари коммунистик мафкура идораларда, муассаса — ташкилотларда ва корхоналарда тарғиб қилинар эди. Маҳаллаларда олиб борилиши керак бўлган ишларга бармоқ орасидан қараларди. Биз ана шу хатони тўғриламоқчимиз. Ташвиқот-тарғибот ишлари дастлаб халқ истиқомат қилаётган жойлардан бошланса, маъқул бўлар деб ўйлайман.

Пайғамбаримиз Ҳадисларида «Ватанни севмак иймондандир», дейилади. Иймон қаерда шаклланади? Мактаблардами? Етмиш йиллик тажрибада кўрдикки, мактабларда бу фазилатга эришиш олмадик. Демак унинг ҳам илдизи дастлаб маҳаллага бориб тақалади.

— Сиз бошлиқ гуруҳ вакиллари вилоятимизнинг барча туманларида бўлди. Айтишингизча, аҳоли билан учрашувлар чоғида бир қанча муаммоларга дуч келгансиз, айрим бошламаларни кўргансиз, бирмунча тажрибаларни тўплагансиз. Ана шулардан чиқарилган илк хулосалар қандай бўлди?

— Хулосалар шундай: биринчидан, жиноятчиликка қарши кураш масаласида. Маҳалланинг минг кўзи бор, дейдилар. Ҳар қандай жиноятчи муттаҳам, нопок шахс бўлмасин, у эл назаридан қочиб ҳеч қаёққа боролмайди. Ўз худудида яшаётган шахснинг кимлигини маҳалла — кўй яхши билади. Бироқ, тўғрисини айтиш керак, биз, ўзбекларда шундай бир «фазилат» бор. Бу — кўрганни-кўрмаганга олиш, яъни юртбошимиз айтганидек, ривожланишимизга тўсиқ бўлган, душман сида. Айрим жойларда диний удумларга риоя қилишда ҳар хиллик кўзга ташланди. Ваҳолонки, барча мусулмонлар учун бу удумлар бир хилдир. Тўй-маъракаларда, турли хил халқ маросимларини, байрамларни белгилашда яхши одатларимиз билан биргаликда, айрим кишилар томонидан «ижод» этилган ва кейинчалик «анъанага» айланиб бораётган баъзи бир салбий «удумлар»га ҳам дуч келдик.

— Айрим туманларда фуқаролар вафот этган кишисига жаноза ўқитишни сўраб масжидларга мурожаат қилишганида, уларга олдин дин уйи кассасига 25 минг сўм пул тўлатиб, кейин муллани жаноза ўқитишга юборишдек одатлар пайдо бўла бошлабди. Бандасининг бошига оғир мусибат тушган бир вақтда бундай ғайри-диний талаблар инсофданми, ахир?

— Тўғри айтасиз. Қабрларга мато боғлаш; пул ёки бирон нарса ташлаш, ҳашаматли қабрларни қуриш каби салбий ишларга нима дейсиз. Булар бари дин нуқтаи назаридан хато ишдир.

Биз маҳалла оқсоқоллари, кенгаш аъзолари, дин арбоблари билан ана шундай ҳолларга чек қўйиш ҳақида тадбирлар туздик.

— Кечирасиз, бундай гаплар олдинлари ҳам бўларди. Лекин гап-гаплигича қоғозда қолиб кетаверарди. Янги «удум» «ижод» қилаётганлар орасида бекорчиликдан у ёки бу ғийбат, ноҳақ гаплар ҳам чиқиб қолади. Шу пайтда дин пешволари лоқайд бўлмаслиги лозим, жамоага ҳақиқатни етказиб бериши вожиб. Бунинг учун эса унинг ўзи сиёсатимиздан, қилаётган барча ишларимиздан бохабар бўлишлиги керак. Шу мақсадда биз дин арбоблари билан танишдик. Урганч, Хива шаҳарлари, Хонқа, Қўшкўпир туманларининг ҳар бирида ўзига хос, бошқа жойларга ёйиш мумкин бўлган тажрибалар тўпланган. Ҳокимимиз кўмаги билан вилоятда «Маҳалла» мактаби яратиляпти. Булар келгусида таянч нуқтамизга айланиши турган гап. Хонқа тумани марказий посёлкасидаги М. Собиров оқсоқоли бўлган маҳалла, Урганч шаҳридаги А. Абдураҳимов бошчилик қилаётган ўн бешинчи маҳаллаларни шундай «мактаб»лар қаторига қўшсак бўлади.

Урганч шаҳридаги маҳаллалар жамғармаларида ўтган йили бор-йўғи 47 минг сўм пул бор эди, холос. Ҳозирги кунда улар жамғармаси уч миллион сўмдан ошиб кетди. Дастлаб вилоят ҳокими ўз заҳира фондидан «Маҳалла» хайрия жамғармаси вилоят бўлимига 12 миллион сўм пул ажратди. Шундан кейин жамғармага шаҳар, туман ҳокимликлари, корхона ва ташкилотлардан тез-тез хайрия туша бошлади.

Булардан ташқари, республика «Маҳалла» хайрия жамғармаси вилоят бўлими қошида кичик корхоналар ишлай бошлади, улардан ҳам озми-кўпми даромад тушяпти. Хива шаҳридаги «Саховат», Қўшкўпир туманидаги «Назар» кичик корхонаси, Урганч шаҳридаги Ойбек номли ва «Бегли бобо» кичик корхоналари шулар жумласидандир.

Кейинчалик шунга эришишни мўлжаллаяпмизки, шаҳар ва туманлардаги ҳар бир маҳалланинг ўз нонвойхонаси, дўконлари, тўйхоналари, аҳолига маданий-маиший хизмат кўрсатиш бурчаклари, ўзига яраша бозорчаси, хуллас, маҳалла марказлари бунёд этилиши керак. Шунингдек, маҳаллаларда корхона — ташкилотларнинг кичик ихчамгина цехларини, бўлинмаларини ташкил этмоқ пайидамиз. Ана шундагина биз Президентимиз ва республика Вазирлар Маҳкамасининг фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари, республика «Маҳалла» хайрия жамғармаси фаолиятини ташкил этиш масалалари тўғрисидаги қарор ва кўрсатмаларини амалга ошириш юзасидан бирмунча ишларни амалга оширган бўламиз. Бу вазифаларни узлуксиз бажариб бориш мақсадида маҳалла қўмиталари илтимосига кўра китобча шаклида махсус «Тавсиянома» чоп қилинди, янги қонунларни ҳаётга татбиқ этиш ниятида қатор тавсия ва кўрсатмалар ишланиб, туманларга, маҳаллаларга тарқатилди.

Президентимизнинг, ҳукуматимизнинг иқтисодий ислоҳотлар тўғрисидаги қарор ва кўрсатмалари моҳиятини кенг халқ оммасига тушунтира олсаккина, халқ ўз қилаётган ишидан мамнун бўлади, баланд руҳ билан, эътиқод билан ишлайди. Ана шундагина ислоҳотимиз тўла рўёбга чиқади, олдимизга қўйган мақсадларимизга эришамиз.

Ота-боболаримиздан қолган бир нақл бор: «Олтовлон ола бўлса оғзидагин олдирар, тўртовлон тугал бўлса, бўлмас ишни бўлдирар», деган. Бу ибратли мақол бугун ҳам ўз кучини йўқотмай, жаранглаб турибди. Биз шунга албатта амал қилишимиз керак.

> «Маҳалла ижтимоий-сиёсий ҳаётимизнинг кўзгусидир... Шунинг учун биз маҳаллий бошқарувнинг дастлабки ва муҳим бўғини—маҳаллаларга катта эътибор бермоқдамиз».
>
> **И. КАРИМОВ.**

Суҳбатдош
Қурбон МУҲАММАДРИЗО,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

• *Муносабат*

«МАНФААТЛИ ЯНГИЧА ЁНДАШУВ»

Газетангиз саҳифаларида Оролни қутқариш мавзуида кўп мақолалар ўқиб борямиз. Улар савияси, кўтарган муаммолари жиҳатидан турлича. Бизда Оролни асраш қўмитаси раҳбарларида «Ўзбекистон овози»нинг шу йил 11 январь сонида босилган «Манфаатли янгича ёндашув» мақоласи ўзгача таассурот қолдирди.

Мақола муаллифи — Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси тизимидаги сув муаммолари институтининг етакчи илмий ходими, Россия ва Ўзбекистон Қишлоқхўжалик фанлари академияларининг мухбир аъзоси А. Муҳамедов Оролнинг ҳозирги оғир ҳолатига ачиниб, долзарб муаммони кўтариб чиққан. Бизнингча, муаллиф Оролни сув заҳиралари билан таъминлашда жиддий ва зарур масалаларни тавсия қилган. Амударёга зовур сувлари ташлашни тўхтатиш ва қурилажак ўнг ҳамда чап қирғоқ зовурлари ёрдамида сувларни Оролга етказиб бериш айни диққатга сазовор масала. Худди шу йўл билан Амударё сувини экологик тозалаб, ичимлик сувга айлантириш таклифини қўллаб-қувватлаш тарафдоримиз.

Айни чоғда муаллифнинг ўнг ва чап қирғоқ зовурлар қурилишини умумхалқ қурилиши — ҳашар йўли билан амалга ошириш хусусидаги мулоҳазаси ҳам эътиборга лойиқ.

П. ШЕРМУҲАМЕДОВ,
Оролни асраш қўмитаси раиси.

К. ОДИЛОВ,
техника фанлари номзоди.

Э. ЧЕМБАРИСОВ,
жуғрофия фанлари доктори.

Б. БАҲРИДДИНОВ,
Ўзбекистон Фанлар академияси жуғрофия бўлими бошлиғи.

ИЛМУ ҲИКМАТ ЎТНИ ЁНДИРАР

Ҳар ҳафтанинг сешанба ва жума кунлари субҳидамда Ўзбекистон Фанлар академияси Тарих институти томон оҳиста қадам ташлаб келаётган аёлни учратасиз. Кираверишда уни шогирдлари дарҳол қуршаб олишади, ҳол-аҳвол сўрашади, эҳтиром билан хонасигача кузатиб қўйишади. Бу камтарин, мунис аёл ўз ҳаёт йўлида жасорат ва матонат, яхшилик ва эзгулик намуналарини уйғунлаштиришга муяссар бўлган фанимиз фидойиларидан биридир.

ОПА

Қўқондаги ўрта мактабда ўқиб юрган чоғидаёқ Раҳима тиришқоқлиги, меҳнатсеварлиги билан ажралиб турарди. Мактабни аъло баҳоларга тугатгач, ўқишни давом эттириш мақсадида Тошкент Давлат университетининг шарқ факультетига ҳужжат топширди. Унинг ўқиши уруш йилларига тўғри келди. У факультетнинг совуқ аудиторияларида ўқитувчи маърузасини тинглар, отаси Ҳоди ака, онаси Меҳриҳон аяларнинг «қизимиз олима бўлади», деган гаплари бот-бот ёдига тушар, бироқ орзу қилиш осон, унга етишиш эса анча мушкул эди.

Ёш Раҳима қуйи курсдаёқ ўзининг ҳаракатчанлиги, ғайрати, илмга чанқоқлиги билан устозлар эътиборини торта бошлади. У тўгаракларда фаол қатнашар, талабаларнинг илмий конференцияларида маърузалар қилиб, фанга бўлган қизиқишини намоён этарди. 1945 йили у талабалар ичида биринчи бўлиб «Шавкатли меҳнати учун» медали билан тақдирланди.

Университетни тугаллаганидан сўнг Р. Аминова Ўзбекистон Фанлар академиясининг Тарих институти аспирантурасига қабул қилинди. Ўша пайтда Ўзбекистонда аграр сиёсат масалалари тадқиқотчилар томонидан етарли ўрганилмаган, бу борада «очилмаган қўриқлар» анчагина эди. Айниқса, республика ирригация қурилиши ва унда халқимиз намойиш этган тарихий жасорат долзарб мавзу бўлиб, Раҳимахон шу йўналишда тиним билмай ишларди. Унга институтнинг йирик олимлари— Я. Ғуломов, И. Мўминов, К. Додоновлар яқиндан ёрдам берар, бўлажак олимага тўғри йўл-йўриқлар кўрсатишарди.

Айни вақтда матбуотда илмий ва публицистик мақолалари билан фаол қатнашди. Ҳали илмий ҳаракатга кирмаган фактларни излаб топиб, уларга қанот бағишларди. У 1953 йили номзодлик диссертациясини муваффақиятли ёқлади. Ўта оғир йилларда ҳали 28 ёшга кирмаган ўзбек қизининг олимлик даражасига эришуви фанимизда катта воқеа ҳисобланарди. У ўзбек аёллари орасидан чиққан биринчи тарихчи олима эди.

Эллик саккизинчи йили институтда илмий ходимликдан бўлим мудири лавозимига тайинланди. Шу йилдан бошлаб унинг ташкилотчилик фаолияти янада ёркин намоён бўла бошлади. Иқтидорли ёшларни, айниқса, маҳаллий хотин-қизларни илм соҳасига чорлади, уларни бу йўлдаги машаққатлардан чекинмасликка ўргатди. Эндиликда ўша аёлларнинг кўпи фан номзоди ва доктори даражасига эришган ва бунда опанинг хизматлари катта.

Олима илмий ишларни кенг кўламда давом эттирди. 1963 йили Ўзбекистонда аграр сиёсат мавзуида докторлик диссертациясини ҳам муваффақиятли ҳимоя қилди.

Шундай воқеа бўлган эди. Етмишинчи йиллар. Илмий ишга иштиёқим сабаб мавзу танладим. Ярим йил республика архивига қатнадим. Ниҳоят, тўртинчи йили ишни поёнига етказдим. Уни бир тарихчи олимга (у тарих фанлари доктори эди) кўрсатдим. Иш билан танишиб чиққандан кейин у илмий раҳбарликни зиммасига оладиган бўлди. Ниҳоят, уч йил деганда домла ишимни қўлимга тутқазди ва кўриб улгурмаганлигини, мен уни янги кўз билан қараб чиқишим зарурлигини айтди. Мушкул аҳволга тушиб қолдим. Лекин ишни ҳимоя қилмасам ҳам кимдир унинг ҳақида бир холис фикр айтишини хоҳлар эдим. Ишни кўтариб Ўзбекистон Фанлар академиясининг Тарих институтига бордим. Ўшанда биринчи марта Раҳима Аминовага рўбарў келдим. Опа (институтда Раҳима Ҳодиевнага шундай мурожаат қилишар экан) ишимни варақлаб кўрди. Мен эса бор гапни айтиб бердим. «Қани бир кўриб чиқайлик, сўнг бафуржа фикрлашармиз», деб қўйди...

Эртасига Тарих институтидан қўнғироқ қилиб сизни опа сўраяптилар, келар экансиз, дейишди. Хаёлимга нималар келмади дейсиз: иш талабга жавоб бермаган, балки кўришга ҳам арзимайдиган, ҳозир боришим билан қўлимга тутқазишади...

Ҳузурига бўшашиб кириб бордим. «Бугун тунда ишингизни кўриб чиқишга улгурдим,— деди опа менга ярим табассум билан,— умуман маъқул, аммо тузатадиган жойлари бор, архив маълумотларини қўшинг, кўпроқ бўлсин, мавзуни яхши танлагансиз. Ишни ўзимизда расмийлаштирамиз, тегишли ҳужжатларни тайёрланг», деди. Ўша пайтда қувонганимдан, ҳаяжонимдан ўзимни қўярга жой тополмай қолдим. Ахир бир тасаввур қилиб кўринг, бу жавобни мен неча йилдан бери кутаман. Мендек бир оддий ходимга бу аёлнинг шунчалик мурувват кўрсатгани, кечаси ухламай кўриб улгурганини айтмайсизми. Бир олим диссертацияни уч йил ушлаб, кейин кўришга вақти бўлмаганлигини айтиб қайтиб берса-ю, иккинчиси бир кечада кўриб чиқиб дардингизга малҳам бўлса... Илмий изланиш баҳонасида ажойиб инсон, талантли олима Раҳима Ҳодиевна билан танишиш бахтига сазовор бўлганман.

У киши олима сифатида ҳеч қачон бир жойда тўхтаб қолмаган. 1960—70 йилларда самарали меҳнат қилиб бир неча йирик тарихий монографиялар тайёрлаб нашр эттирди, булар соддароқ қилиб айтганда, республикамиз аграр солномалари эди.

Опа учун меҳнатнинг катта-кичиги йўқ. У фанга дахлдор ҳар бир заррадан ўзига завқ ва катта маъно топа олади. Архивлардаги қанчадан-қанча ҳужжатлар, материалларни илмий ҳаракатга келтириб, уларни моҳирона таҳлил қилиб, умумлаштириб, орасидан ўзига хосини танлаб олиб, тарихий воқеалар қонуниятини биринчи бўлиб кўрсатиб беради. 1966 йилда Ўзбекистон тарихига оид ҳозиржавоб, кенг кўламли муаммоларни ишлаб чиқишда қўшган катта ҳиссаси эътиборга олиниб, Р. Аминова Ўзбекистон Фанлар академиясининг мухбир-аъзолигига сайланди. Ўзбек аёллари доктори эди) кўрсатдим. Иш билан танишиб чиққандан кейин у илмий раҳбарликни зиммасига оладиган бўлди. Ниҳоят, уч йил деганда домла ишимни қўлимга тутқазди ва кўриб улгурмаганлигини, мен уни янги кўз билан қараб чиқишим зарурлигини айтди. Мушкул аҳволга тушиб қолдим. Лекин ишни ҳимоя қилмасам ҳам кимдир унинг ҳақида бир холис фикр айтишини хоҳлар эдим. Ишни кўтариб Ўзбекистон Фанлар академиясининг Тарих институтига бордим. Ўшанда биринчи марта Раҳима Аминовага рўбарў келдим. Опа (институтда Раҳима Ҳодиевнага шундай мурожаат қилишар экан) ишимни варақлаб кўрди. Мен эса бор гапни айтиб бердим. «Қани бир кўриб чиқайлик, сўнг бафуржа фикрлашармиз», деб қўйди...

Эртасига Тарих институтидан қўнғироқ қилиб сизни опа сўраяптилар, келар экансиз, дейишди. Хаёлимга нималар келмади дейсиз: иш талабга жавоб бермаган, балки кўришга ҳам арзимайдиган, ҳозир боришим билан қўлимга тутқазишади...

Ҳузурига бўшашиб кириб бордим. «Бугун тунда ишингизни кўриб чиқишга улгурдим,— деди опа менга ярим табассум билан,— умуман маъқул, аммо тузатадиган жойлари бор, архив маълумотларини қўшинг, кўпроқ бўлсин, мавзуни яхши танлагансиз. Ишни ўзимизда расмийлаштирамиз, тегишли ҳужжатларни тайёрланг», деди. Ўша пайтда қувонганимдан, ҳаяжонимдан ўзимни қўярга жой тополмай қолдим. Ахир бир тасаввур қилиб кўринг, бу жавобни мен неча йилдан бери кутаман. Мендек бир оддий ходимга бу аёлнинг шунчалик мурувват кўрсатгани, кечаси ухламай кўриб улгурганини айтмайсизми. Бир олим диссертацияни уч йил ушлаб, кейин кўришга вақти бўлмаганлигини айтиб қайтиб берса-ю, иккинчиси бир кечада кўриб чиқиб дардингизга малҳам бўлса... Илмий изланиш баҳонасида ажойиб инсон, таридан чиққан биринчи тарих фанлари номзоди, доктори ва мухбир-аъзоси бўлди.

Замон талабини чуқур тушуниб етиш, у ёки бу муаммолар истиқболини дарҳол англаб олиш олимага фаннинг олдинги сафларида бўлиш, долзарб масалаларни муваффақиятли ҳал қилиш имкониятини яратди. Унинг ёзган асарлари собиқ Иттифоқ республикалари, жумладан, Москва, Ленинград олимлари эътирофига сазовор бўлди. Олиманинг ташаббуси билан Тожикистон, Туркманистон, Қозоғистон, Қирғизистон ва Ўзбекистон тарихчилари Ўрта Осиё ва Қозоғистон халқларининг икки жилдли йирик тарихий тўплами яратилди ва Москвада чоп этилди. Р. Аминова республикамиз тарихчилари билан ҳамкорликда Ўзбекистон ишчилар синфи тарихига бағишлаб тўрт томли китоб яратди ва унинг яратувчилари, жумладан Р. Аминова ҳам Абу Райҳон Беруний номли Ўзбекистон Давлат мукофотига сазовор бўлди.

Устоз йирик тарихчи сифатида жаҳон олимлари томонидан ҳам тан олинган. У 1970 йили Москвада бўлиб ўтган тарих фанлари XIII Халқаро конгресси, 1971 йили Қирғизистон республикасида ўтказилган Халқаро симпозиумда, Болгарияда, африкашуносларнинг XIII Халқаро съездида ҳамда бошқа илмий анжуманларда Ўзбекистон тарихини ўрганиш масалалари, Ўрта Осиё халқларининг тараққиёт тажрибаси мавзуларида таъсирли ва мароқли маърузалар қилди.

Опанинг катта ўғли Баҳодир Азимов — физика фанлари номзоди. Ўзбекистон ФА «Фан» бирлашмасининг раҳбари. Шаҳноза — химия фанлари доктори, Ўзбекистон ФА Биоорганик химия илмий-тадқиқот институтида лаборатория мудири. Динора — файласуф олима, Жаҳон дипломатияси ва иқтисодиёти университети доценти. Рустам Азимов — иқтисод фанлари номзоди, Ўзбекистон миллий банки бошқарувининг раиси — жамиятимиз учун ҳалол меҳнат қилаётганларини айтиб ўтиш ўринлидир.

Опа шогирдларини ўз фарзандларидан кам кўрмайди. У ўндан ортиқ фан доктори, эллиқдан зиёд фан номзодлари етиштирди. Уларни илмий-текшириш институтларида, олий ўқув юртларида раҳбарлик лавозимларида учратиш мумкин. Тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган фан арбоби Иброҳим Алимов ўз устози ҳақида шундай дейди: «Опа ўзига ҳам, бошқаларга ҳам ғоят талабчан устозлардан, фанда майда нарсаларни ҳам зукколик билан илғай олади, айни вақтда тўғри йўналиш беради, уларни қунт билан ишлашга, тадқиқот машаққатларини енгишга ўргатади. У ҳаммамизнинг энг яхши маслаҳатчимиз».

Дарвоқе, 1985 йили Раҳима Ҳодиевна оғир дардга чалинди. Унинг устига умр йўлдоши, таниқли академик Содиқ Азимовнинг тўсатдан вафоти опани тўшакка михлаб қўйди. Кези келганда айтиш керакки, республикамизнинг ажойиб физик олими С. Азимов Қуёш энергиясидан фойдаланиш бўйича улкан ишни бошлаган эди. Ҳа, ҳадисларда айтилгандай, худо яхши кўрган бандасига шундай синовни раво кўрар экан. Опанинг даво истаб қилган ҳаракатлари зое кетмади, дард чекинди, аста-секин тадқиқотларини давом эттира бошлади. Тарих фанига бахшида умр, илмий изланишлар бир меъёрда давом этмоқда.

Ҳафтанинг сешанба ва жума кунлари субҳидамда Тарих институти томон оҳиста қадам ташлаб келаётган мунис аёлни учратасиз. Бу Раҳима Ходиевна Аминова — Опа бўладилар...

Содиқ МУМИНОВ,
тарих фанлари номзоди.

ДУНЁ ВОҚЕАЛАРИ

ДАСТУР КУРИБ ЧИҚИЛАДИ

● БРЮССЕЛЬ. Европа комиссияси Германия раислик қилаётган даврда Европа иттифоқи Вазирлар Кенгаши таклиф этган дастурни кўриб чиқади.

Дастурдаги энг асосий масала Европа иттифоқига Марказий ва Шарқий Европа давлатларининг аъзо бўлиши, Россия, Қозоғистон ва Қирғизистон ўртасидаги «оралиқ» битимларнинг имзоланиши, Болтиқбўйи давлатларининг эркин савдо минтақаси тузилгани ҳамда Европа иттифоқининг Осиё мамлакатлари билан муносабатлари тикланиши хусусидаги масалалар кўриб чиқилади.

РАҚОБАТ АВЖ ОЛМОҚДА

● ДЕҲЛИ. Ҳиндистон ва Покистон ўртасида дипломатик рақобат авж олмоқда.

Покистоннинг Ҳиндистондаги элчихонасқ ходиминнинг айғоқчиликда айбланиб, ҳибсга олиниши бу можарога сабаб бўлди.

Покистон ҳукумати бунга жавобан Ҳиндистон дипломатини ҳибсга олди.

МУЗОКАРА ҚИЗҒИН

● ҚОҲИРА. Шимолий Яман қўшинлари бир ҳафтадан сўнг Адан шаҳридан олиб чиқиб кетилади.

Айни пайтда Сана шаҳрида янги ҳукуматни тузиш хусусида музокаралар олиб борилмоқда.

ШАҲАР ИШҒОЛ ҚИЛИНДИ

● НАЙРОБИ. Руанда ватанпарварлик фронти мамлакатнинг муваққат ҳукумати жойлашган Рухенгери шаҳрини ишғол қилди.

Улар уруш келтириб чиқарган айбдорларни жазолаш ва муҳолифлар билан музокаралар олиб боришга тайёр эканликлари хусусида хабар бердилар.

ҲАРБИЙ ТАЙЕРГАРЛИК БЕКОР ҚИЛИНДИ

● СЕУЛ. Жанубий Корея Ҳарбий мудофаа вазирлиги КХДР Президенти Ким Ир Сен вафоти муносабати билан ҳарбий тайёргарлик ҳақида чиқарган буйруғини бекор қилди.

Бу буйруқ КХДР Президенти вафотидан сўнг воқеалар қандай ривожланиши ноаёнлиги сабабли чиқарилган эди.

КАТТА ТАНТАНА АРАФАСИДА

● ВАШИНҒТОН. 25 йил олдин 1969 йил 20 июлда америкалик фазогирлар ой юзасига тушишган эди.

АҚШда бу санани катта тантана билан нишонлаш режалаштирилмоқда.

ИХТИЛОФ ЧИҚИШИГА САБАБ

● ЛОНДОН. Буюк Британия Бош вазири Жон Мейжор Европа Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида иштирок этиш учун Брюсселга жўнаб кетди.

Европа Кенгашининг янги бош котиби лавозимига Бельгия Бош вазири номзоди қўйилган бўлиб, Буюк Британия ҳукумат раҳбарининг бу номзодга қарши овоз бериши ихтилоф чиқишга сабаб бўлди.

(Жаҳон ахборот агентликлари ва газеталардан олинди).

• *Ғалла—ризқ-рўзимиз*

ДЕҲҚОНКИ ДОНА СОЧАР...

Саратон қуёшининг саҳоватли ҳароратини эмган мевалар ғарқ пишган, ғаллазорлар бўлиқ бошоқларини эгиб, сирли шовуллайди. Барча жонзот соя-салқин жой излайди. Шалдироқ ариқлар ёқасида, азамат дарахтлар қўланкасида бир дамгина ором олишни истайди.

Лекин одамзот бундан мустасно. У ҳар қандай ҳолатда ҳам меҳнат қуролини қўлдан қўймайди. Рўзғорига барака киритиш, фарзандларининг тақдирини ўйлаш билан банд бўлади. Зеро, у шунинг учун яратилган.

Олам гўзаллиги деҳқондан, деҳқончиликдан —деб ёзилган қадимий Овестонинг муқаддас битикларида ҳам, — кимки ерга уруғ қадабди, у одамийликка имон келтиради!..

Шу боисдан ҳам жамият фаровонлиги, инсоннинг тўқчилиги ҳаммадан ҳам ерга, уруғ қадашга, дон маҳсулотларининг тўкинчилигига боғлиқ. Зероки, бизнинг маънавий тафаккуримизда ҳам — бу ризқ-рўз жуда улуғдир.

Бугун республикамиз аҳолисини дон маҳсулотларига бўлган талаб-эҳтиёжини имкон борича қондириш учун жойларда ғалла йиғим-ўрими авжида. Қувонарлиси, бу йил ўтган йилгидан кўп ва мўл ҳосил етиштирилиши кутилмоқда. Аста-секин виloятлар, туманлар белгиланган ғалла режаларини бажармоқда. Ғалаба марраси сари интилмоқдалар. Чунки Ўзбекистон ҳукумати ўз иқтисодини мустақил давлат сифатида равнақ топтира бошлагандан бери ғаллачиликни янада ривожлантириш, дон маҳсулотларига бўлган эҳтиёжни имкони борича ўз еримизда етиштиришга жиддий эътибор бермоқда. Бу ҳол эса ўз-ўзидан аёнки ҳозирги бир оз иқтисодий танглик, қийинчиликлар даврида хорижий давлатлардан олиб келинаётган дон маҳсулотларини камайтириш имконини яратмоқда.

Айни кезларда Ургут туманида ҳам ғалла ўрими қизғин. Бу йил 10000 тонна ғалла етиштириш йўлида туман ҳудудидаги мавжуд 7569 гектар майдондаги ҳосил пешма-пеш ўриб, янчилиб хирмонга жўнатилмоқда. Чамалашларга қаралганда, бу ерда ўртача ҳосилдорлик гектарига 30 центнердан кам бўлмаяпти. Далаларда ҳосил чўғи баланд. 61 та комбайн тинимсиз ишлатилмоқда. Туманнинг «Меҳнатобод», Ҳамза, «Зарафшон» сингари хўжаликларида ҳам ғалла исрофгарчилигига сира йўл қўйилмаяпти.

Яқинда Президентимиз Ислом Каримовнинг ғалла ва бошоқли дон экинлари харид нархини ошириш тўғрисидаги Фармони деҳқонларнинг дилидаги гап бўлди. Шу боисдан бугун улар ғайрат камарин маҳкам боғлаган. Нима бўлса ҳамки, мустақил Ўзбекистоннинг ғалла мустақиллигини мустаҳкамлашга ўз улушларини қўшиш. Улар эртанинг нурли келажаги мана шу соҳани ҳам ривожлантиришда эканликларини чуқур ҳис этадилар. Бу улуғ ниятлар ибтидосида инсоннинг ризқ-насибаси — ғалла хирмонлари бунёд бўлмоқда.

Ахир табиат инсон билан, инсон табиат билан тирик, деган катта фалсафа эртаиндин Ургутнинг мана шу хирмонларида ўзининг мўъжазгина ифодасини топаётгани билан ҳам эъзозли ва ибратлидир.

Маъмуржон ҚИЕМОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Суратларда: 1. «Меҳнатобод» хўжалиги далаларида ҳам мўл ҳосил етиштирилди. 2. Карвон йўлга чиқди. 3. Қабул пунктига келтирилган ғалла аввал лаборант қизлар қўлидан ўтади.

Муаллиф суратлари.

БИР ҲОВЛИДА 30 ТОННА СУТ

Чироқчи туманидаги «Кўктош» фермер хўжалигининг ташкил бўлганига икки йил бўлди. Дастлаб бир қанча қийинчиликларга дуч келинди. Ер, ем-хашак ажратилмаган эди. Бугунги кунда фермер хўжалиги бошлиғи Исмоил ака Холиёровнинг қувончи чексиз. Аввалига 10 бош қорамол бўлган бўлса, эндиликда улар сони йигирматага етди.

Ўтган хўжалик йилида 28 тонна сут, 1,5 тонна гўшт етиштирилиб давлатга сотилди.

— Асосий эътиборни молларнинг зотдорлигига ва маҳсулдорлигини оширишга қаратяпмиз. Йил охиригача қорамоллар сонини ўттизтага етказиб, 30 тонна сут, 3 тонна гўшт топширишни режалаштирганмиз, — дейди Исмоил ака.

Ҳозир мазкур фермер хўжалигига «Коммуна» жамоа хўжалиги ҳудудидан олти гектар ер ва «Т—28» маркали трактор ажратилган. Фермерлар шу майдонларга ғалла экишган. Ҳосил йиғиштириб олингач, ўрнига маккажўхори экишни мўлжаллашяпти.

Исмоил аканинг турмуш ўртоғи Шароф опа, ўғиллари Аввалёр, Бахтиёр ва Ихтиёрлар, келини Сайёрахонлар билан ўт-ўланлардан ем-хашак тўплаш, бундан кейин ҳам сут ва гўшт маҳсулотларини кўпайтириш пайида сира тиним билишмаяпти. Улар буни ўз оилалари манфаати, республикамиз иқтисодиётининг равнақи эканлигини яхши биладилар.

Камолиддин ҚОДИРОВ.

• *Қишлоқда хусусийлаштириш қандай бормоқда?*

ИНСОФСИЗГА ЭРК БЕРСАНГ...

Маълумки, Президентимизнинг қатор Фармонлари эълон қилиниб, ишбилармонларнинг ўзига ҳам, эл-юртга ҳам катта фойда келтиришига кенг имкониятлар очиб берилди. Илгари давлат томонидан марказлашган усулда бошқарилган корхоналар хусусийлаштирилмоқда. Янги-янги шахсий корхоналар вужудга келяпти. Уларда амалга оширилаётган ишлар мақташга арзигулик.

Бироқ бу муҳим ишга ҳамма ерда ҳам бирдек эътибор бериляпти, деб бўлмайди. Бирор ташкилот, корхона ёки хўжаликни хусусийлаштиришдан олдин, аввало, катта тайёргарлик ишлари олиб борилиши лозим бўлади. Одамлар биринчи навбатда хусусийлаштирилган корхонани ўзиники, деб ҳис қилсин. Мол-мулкини кўз қорачиғидек асрасин. Баракали тер тўксин. Аксинча, хўжакўрсинга ишласа, ўзига зарар бўлишини тушунсин.

Масалага шу нуқтаи назардан қарасак, Сайхунобод туманида бу борада ишлар кўнгилдагидек эмаслигини кўрамиз. Туманда жами 216 та ташкилот, корхона, хўжалик мавжуд. Шу йилнинг май ойига қадар уларнинг атиги 52 таси хусусийлаштирилди. Майли, гап сонда эмас дейлик. Бироқ хусусийлаштирилган корхона ва хўжаликларда анча вақт ўтган бўлса-да, юксалиш кўзга ташланмаётир. Биз жойларда бўлганимизда бунга бир карра амин бўлдик.

Туман марказидаги «Гўзал» корхонаси бундан икки йил аввал хусусийлаштирилган, эди. Аммо бу ерда ҳалигача хизмат кўрсатиш турлари кўпаймаган. Ишчилар ва мутахассисларнинг кўпчилиги пашша қўриб ўтиришибди. Сабабини сўрасангиз, хом ашё, эҳтиёт қисмлар етишмаслигини рўкач қилишади. Туман бўйича ҳар бир киши ҳисобига 4 ойда атиги 1400 сўмдан пуллик хизмат кўрсатилганлигининг ўзиёқ маиший хизматнинг аҳволини яққол кўрсатиб турибди.

«Шокир», деб ном берилган хусусий умумий овқатланиш корхонасида бўлганимизда ошхонанинг санитария ҳолатидан ранжидик. Таомнома ҳам, калькуляция ҳам йўқ. Шу куни фақат ош қилинган экан. Идиш-товоқлар дезинфекция қилинмайди. Чала ювилган ошхона анжомлари алоҳида ёпиқ жойда сақланмайди. Боз устига бу ерда ишлайдиган 6 кишининг учтаси врач назоратидан ўтмаган.

Туман марказидаги «Сойлиқ» хусусий дўконидамиз. Пештахтада ва деворларда харидоргир чет эл моллари сероб. Лекин уларнинг ёрлиқларида нархи кўрсатилмаган. Фақат пештахта ойнаси тагига айримларининг баҳоси ёзиб қўйилибди. Жуда қиммат. Сотувчидан молларнинг ҳужжатини сўраганимизда у:— «Мен бу ерда ишламайман. Дўкон акамга тегишли. Молни у айтган нархда сотаман», деб жавоб берди.

— Баъзи молларнинг нархи ёзилган-ку?

— Менга акам ёзиб берган. Сизларга бошқа ҳеч нарса кўрсатолмайман. Эгаси келсин кейин келарсизлар.

Бир-икки соат ўтгач яна келдик. Хайрият дўкондор Сулаймон Абдалимов шу ерда экан. Лекин кўпчилик молларнинг нархи олиб қўйилибди. Биз кўрган айрим моллар эса умуман йўқ.

Дўкондордан молларнинг ҳақиқий нархи кўрсатилган ҳужжатларни кўрсатишни илтимос қилдик. Маълум бўлишича, бир жуфт калиш 11 минг сўм-купон экан. Аслида эса 14 минг сўм-купондан сотиляпти. Эркаклар енгил пойабзали 82 минг сўм-купон тураркан. Харидорларга эса 150 минг сўм-купондан сотилмоқда. Бошқа молларнинг устига ҳам 80-100 минг сўмдан қўйилган.

Хусусий дўкон Низомида у аҳолидан, тайёрлов ташкилоти ва хўжаликлардан озиқ-овқат маҳсулотлари олиб, меҳнаткашларга сотиши ҳам кўзда тутилган. Лекин озиқ-овқатни сақлаш учун мутлақо шароит йўқ. Шунинг учун ҳам бирорта шундай маҳсулот келтирилмаган. Дўкондор эса, «Инсофсизга эрк берсанг элни талар», деганларидек, фақат молларнинг устига қўшиб сотиш билан чўнтагини қаппайтирмоқда.

Хайратланарлиси шундаки, дўкон туман ҳокимлигига ҳам, ички ишлар бўлимига ҳам, солиқ инспекциясига ҳам жуда яқин жойлашган. Лекин ҳеч ким савдогарнинг мушугини пишт демайди. Шу куни туман ҳокимининг биринчи муовини Ботир Темиров ҳам биз билан эди. У молларнинг қиммат сотилаётганига гувоҳ бўлсада, уларни текширишга бизнинг ҳам, ички ишлар ходимларининг ҳам ҳаққи йўқ, деди.

Майли, балки ҳоким муовини тўғри айтгандир. Лекин молия бўлими ва солиқ инспекцияси қаерга қараяпти? Сайхунобод туман давлат солиқ инспекцияси бошлиғи муовини Х. Муқимовнинг маълумотига қараганда, 1994 йил биринчи майга қадар 59 та текшириш ўтказилган. 37 та қонунбузарлик ҳоллари аниқланиб, айбдорларга жарималар солинган. Аммо «Сойлиқ» дўкони назоратдан четда қолган. Шунинг учун ҳам ўзини тўла эркин ҳис қилган Сулаймон Абдалимов ҳалол меҳнат қилиб, тадбиркорлик билан эл корига яраш ўрнига ўз ҳамёнини ўйлаган.

Хуллас, туманда хусусийлаштиришдек муҳим ишга етарли эътибор берилмаяпти. Ишни нимадан бошлаш ҳақида пухта ўйланмаган. Хусусийлашган корхоналар фаолияти текширилмайди. Аҳволни чуқур таҳлил этиш, ишни яхшилаш, зарур бўлса ёрдам бериш чоралари кўрилмаяпти. Шунинг учун ҳам натижалар қониқарли эмас.

Хусусан, Қодирқул Султонов номли жамоа хўжалиги фермаси ўтган йили июль ойида хусусийлаштирилгач, чорвачилик янада орқага кетди. Қолоқлиқ тобора чуқурлашиб бормоқда. Масалан, ўтган йили 4 ойда 16,4 тонна гўшт, 206,2 тонна сут тайёрланган бўлса, бу йил шу давр ичида 14 тонна гўшт, 112,6 тонна сут тайёрланди, холос. Моллар бош сони 77 тага камайди. Гўштга топширилганлари вазни 317 килограммдан 268 килограммга тушиб қолди.

Хуллас, айтаверсак гап кўп. Хусусийлаштириш умумдавлат аҳамиятига молик тадбир. Шундай экан, бу ишда хатога йўл қўйиб бўлмайди. Акс ҳолда ҳар бир хато ва камчилик қимматга тушиши мумкин.

Каримжон РИХСИЕВ,
«Ўзбекистон овози» махсус мухбири.

1994 йил—Оила йили

ФАРИШТАЛИ УЙ

Ғиждувон шаҳрининг Алишер Навоий номли маҳалласи да шундай бир оила бор. Ҳамма шу гўшага қадам ранжида қилмоқда, Нўъмонжон бобо ва Робия бувилар дуосини олмоққа ҳавасманд. Фаришталр бу оиланинг оҳанрабоси борми, дерсиз. Ҳа, нурли хонадондаги бу иккала қариянинг ҳаракати, бир-бировига бўлган ҳурмати ҳамма-ҳаммасини кўрган киши тан бермай иложи йўқ.

Нўъмонжон ота бу йил саксон бир ёшга қадам қўйди. У киши Сўфичўян қишлоғида туғилди, савод чиқарди. Йигитлиги Финляндия, Германия урушларига тўғри келди, яраланди ва ниҳоят, 1942 йили қишлоғига қайтди. «Гулистон» жамоа хўжалигига раис бўлди, жамоасини фронтдагиларни озиқ-овқат билан таъминлашга ундади, етим-есирларнинг бошини силади. Уйланди, бола-чақали бўлди. Ҳуллас, оз эмас, кўп эмас, қарийб олтмиш йил турли лавозимларда ишлади.

Робия момо 71 ёшда. Эллик йилдан ошибдики, сиз оғзи сенга борган эмас. Бир-бирига меҳрибон. Оқибатли. 4 ўғил, 4 қизни вояга етказиш, уларни ўқитиш, эл қорига ярайдиган комил кишилар даражасига кўтариш мақсадида эр-хотин бамисоли қўш ҳўкиз бўлиб ишлашди. Ҳозир ҳам улар тинибтинчимайди. Робия ая тўн, дўпси тикса, Нўъмонжон ота неваралариға қарайди.

— Ҳаётда нималар бўлмайди,— дейди бобо.— Ҳаммасига сабр-бардош керак. Ҳар қандай шароитда ҳам одамийликни унутмаслик зарур. Шунда сиздан бошқалар ибрат олади.

Бугунги кунда фарзандларининг ҳаммаси касбкорли, обрў-эътиборли, уйли-жойли. Шунинг учун ҳам оилаларида ҳар куни байрам, тўй.

ҚОРАЧИҚ ТУБИДАГИ ДАРД

Пешку тумани хотин-қизлар кенгаши раисаси хонасига қўҳликкина жувон кириб келди. Унинг чеҳраси синиқ, кўз қорачиғи тубига қандайдир алам, изтироб чўкканлиги сезилиб турарди.

— Бу ерга баъзан Нигорага ўхшаган жувонлар келиб туради,— дейди кенгаш раисаси Малика Қиёмова.— Имкон даражасида ёрдам берамиз. Афсуски, баъзан уринишларимиз фойда бермайди. Баъзи оилалар барбод бўляпти.

НИГОРАНИНГ СЎЗЛАРИ:

— Йигирма етти ёшимда бахтимни бой бериб қўйдим. Эрим 3 болам билан ҳайдаб юборди. Сабаби, энди унга ёқмай қолганмишман. Оилани тиклашга уриндик, бўлмади. Туман халқ судининг қарори билан ўртамиздаги никоҳ бекор қилинди. Фарзандларим улғаймоқда, улар чеҳрасида меҳрга ташналик кўринади. Юрак-бағрим эзилади. Онамнинг тўғрисида уйида яшаяпмиз, алиментдан дарак йўқ...

Нигоранинг охирги илинжи—бошпана. Шу боис туман хотин-қизлар кенгашига мурожаат қилибди. Уй олишга улардан мадад сўрайди.

Малика опа уига ёрдам бера олармикан?

Туман халқ судида бўлганимизда суд раиси Муҳиба Имомова оилаларнинг бузилишига кўпроқ эркакларнинг лоқайдлиги сабаб бўлаётганлигини куйиниб гапирди.

— Никоҳни бекор қилиш ишини кўришдан олдин иккала даъвогар ҳамда жавобгарга маълум вақт ярашиш учун имкон беряпмиз,— дейди у,— шунда ҳам улар келишолмаяпти. Сабаби ўрталаридаги андиша, меҳр-муҳаббат дарз кетган, уни тиклаб бўлмасмиш. Фарзанд кўришгандан сўнг юлдузлари юлдузларига тўғри келмаганмиш. Кўпинча рашк оқибатида ўртада ишонмовчилик уруғи униб чиқади.

Ҳа, бундай баҳона кўп. Лекин фарзандда не гуноҳ? Улар тақдири не кечади? Бултур туман халқ судининг 3 ноябрда бўлиб ўтган йиғилишида Санам Султонова ва Толиб Отақуловларнинг оталик фактини тасдиқлаш, алимент ундириш тўғрисидаги фуқаролик иши кўрилди. Суд ҳайъати даъвогар ва жавобгарнинг баёнотларини тинглагач, шундай манзарага дуч келишди: Толиб Отақулов олдин ҳам бир бор уйланган. Эндигина 30 ёшни қоралаган йигит. У тумандаги «Ўзбекистон» жамоа хўжалигида яшайди. 1990 йилда ўқитувчи Санам Султонованинг бошини айлантириб, унга уйланади. Лекин қонуний никоҳдан ўтмайди. Йиллар ўтиб, Интизор, Сабина исмли фарзандлар кўришади. Аммо йигитнинг топиш-тутиши ошган сайин унга хотини ёқмайверади: ўтирса ўпоқ, турса сўпоқ. Хуллас, ажралишга тўғри келди. Ота фарзандларини тан олди, улар учун алимент тўлашга рози. Лекин у меҳрини дариғ тутди. Фарзандлари Интизор ва Сабина отасини ҳар гал кўчада учратганда орқасидан чопишади. Бемеҳр ота эса уларни қон йиғлатиб қочиб қолишдан чарчамайди.

— Ўттиз бир йилдан буён судда халқ маслаҳатчисиман,— дейди меҳнат фахрийси Қурсия Худойбердиева.— Оилавий ишни кўриш, никоҳни бекор қилишда иштирок этишдан оғири йўқ. Эр ҳам, хотин ҳам судда «тилга» киради, айбни бир-бирига ағдаришади. Аслида улар севишиб турмуш қуришган. Тўйдан сўнг бир-бирини тушуниша олишмайди. Сабаби улар оила қуришга маънан тайёр эмас. Томонлар масъулиятни, бурчни билмайди. Шу боис ўртада болалар тирик етим қолишади.

Шу ўринда суд раиси яна бир мисолни келтирди. Галаосиёда — ички ишлар бўлимида ишловчи, Бухоро туманидаги «Дўстлик» жамоа хўжалигида яшовчи Ғулом Қаҳҳоров 1990 йилда Пешку туманидаги Алишер Навоий номли жамоа хўжалигида яшовчи Моира Мўминова билан қонуний никоҳдан ўтиб, турмуш қуради. Аммо орадан кўп йил ўтмай, ўрталарига оламушук оралайди. Аниқроғи, феъллари тўғри келмаганмиш. Шу боис кун ора жанжалдан оилада сув лойқаланган. Бу орада тўнғич фарзандлари ҳовузга тушиб нобуд бўлади ҳам.

Суд ҳайъатининг тарафларни яраштиришга бўлган ҳаракати зое кетди. Оилани сақлаб қолишнинг иложи бўлмади. Моира бир фарзанди билан онасининг уйига равона бўлди...

Нигора, Санам, Моира сингари аччиқ қисматли оналар ҳаётда оз дейсизми?! Улар кимларнингдир маслаҳатига, яхши сўзига ва меҳрига зор эмасмиди, турмуш қуришганда? Ахир, улар ҳам «ёр-ёр» билан куёвга узатилганда ота-оналари бошинг тошдан бўлсин, борган ерингдан тингин, бахтли бўлгин, деб дуо қилишганини кўпчилик билади-ку?! Нима учун қўниқўшни, қайнота янги оила тақдирига бунчалик бефарқ қарашмаса? Яхшиликни ошириб, ёмонликни яширишга қурби етадиган оналаримизнинг меҳри шунчалик камёб бўлиб боряптими?

— Бирники — мингга, мингники — туманга, деганлар. Бир бўлиб, бутун бўлиб аввало фарзандларимиз тарбиясига сидқидилдан ёндашсак, асло кам бўлмаймиз,— дейди маслаҳатчи онахон Қ. Худойбердиева.— Хусусан, биз, оналар, қайноналар зиммасида катта масъулият турибди. Фарзандларимиз, келинларимизга тўғри йўлни кўрсатайлик. Билмаганларни сидқидилдан ўргатайлик. Шунда умумхонадонимиз, катта оиламиз — Ўзбекистонимиз бутлигига ҳеч ким раҳна сололмайди.

Даврон БАҲРОНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

БИЗГА ЁЗАДИЛАР

ДИЛ ОЧГАНГА НЕ ЕТСИН

Биз кўпинча йиғилиш деганда бир раҳбарнинг минбарда туриб гапиришию қолганларнинг қарсак чалишини тушуниб қолганмиз. Бу гал бутунлай бошқача бўлди. Ургутдаги Шароф Рашидов номли хўжалик дала шийпонига тўпланганларнинг ҳаммаси ўртага чиқиб, кўнглидагини изҳор этди. Гап маҳаллалар фаолиятини кучайтириш, уларнинг тарбиявий ролини ошириш хусусида бўлди.

Вилоят «Маҳалла» жамғармаси уюштирган семинар-кенгашда Ургут туман ҳокими Ў. Маҳматмуродов туманда бу борада амалга оширилаётган тадбирлар ҳақида сўзлади. Меҳмонлар Ғўс, Испанза, Баҳрин, Исломобод, Чорраҳа маҳаллалари фаолияти билан танишдилар, Ургутнинг замонавий, нақшинкор қурилишларини кўрдилар.

Семинар-кенгашда маҳаллалар ишини такомиллаштириш юзасидан ўтказилган мусобақага якун ясалди. Фахрли ўринни эгаллаган Самарқанд, Ургут тумани ҳамда Каттақўрғон шаҳар маҳаллалар кенгашларига кўчма байроқ ва пул мукофотлари берилди.

М. УМАРОВ,
«Маҳалла» жамғармаси Самарқанд вилоят бўлими бошқаруви раисининг ўринбосари.

ХАРЧИНОМА

А. АВЛОНИЙ НОМИДАГИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ХОДИМЛАРИ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ МАРКАЗИЙ ИНСТИТУТИ

АСПИРАНТУРАГА

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

1. ИШЛАБ ЧИҚАРИШДАН АЖРАЛГАН ҲОЛДА:
— ижтимоий психология — 1 ўрин.
— педагогик ва ёш психологияси — 2 ўрин;
— махсус психология — 1 ўрин.

2. ИШЛАБ ЧИҚАРИШДАН АЖРАЛМАГАН ҲОЛДА:
— ижтимоий психология — 1 ўрин;
— педагогик ва ёш психологияси — 1 ўрин;

Ҳужжатлар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой ичида қабул қилинади.

Маълумот олиш учун А. Авлоний номидаги Халқ таълими ходимлари малакасини ошириш марказий институти аспирантура бўлимига (телефон: 46-66-98), илмий-услубий ишлар бўйича проректорга (телефон: 46-06-68) мурожаат этиш мумкин.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: Тошкент шаҳри — 95, Саидов кўчаси, 6-уй.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ МИКРОБИОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

қуйидаги мутахассисликлар бўйича кундузги аспирантурага

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

— вирусология — 1 ўрин;
— биотехнология — 2 ўрин;
— микробиология — 3 ўрин.

Ҳужжатлар конкурслар тўғрисидаги қоидаларга кўра қуйидаги манзилгоҳга юборилсин; 700128, Тошкент, А. Қодирий кўчаси, 7 «б».

Ҳужжатлар 1994 йилнинг 1 сентябригача қабул қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ТОШКЕНТ ТУМАНИДАГИ 10-СОН ҲУНАР БИЛИМ ЮРТИ

1994—1995 ўқув йиллари учун 11-синф ҳажмида маълумотли, 30 ёшгача бўлган йигит ва қизларни

АСАЛ-АРИЧИ—ТРАКТОРЧИ мутахассислиги бўйича

ЎҚИШГА ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Ўқиш муддати — 1 йил. Ўқиш даври узлуксиз меҳнат фаолиятига киради. Билим юртини аъло баҳо билан битирган ўқувчиларга асаларичилик олий ўқув юртларига кириш учун йўлланма берилади. Улар олийгоҳга конкурссиз қабул қилинадилар.

Ўқувчилар стипендия, тўрт маҳал иссиқ овқат, кийим-бош, талабалик гувоҳномаси билан таъминланадилар.

1995 йил 3 апрелдан ишлаб чиқариш амалиётига юборилади.

Жамоа хўжаликлари ва давлат хўжаликларидан йўлланма билан келганлар ўз жойларига ишлаб чиқариш амалиётини ўташ учун ҳамда ўқишни тугатганларидан сўнг ўз жойларига ишга юборилади.

Ўқувчилар амалиёт даврида ишлаган иш ҳақларининг 50 фоизини оладилар.

Ўқишни битиргандан сўнг ихтисослик бўйича диплом берилади. Ўқишга кирувчилар билан 1994 йил 31 август куни суҳбат ўтказилади. Ўқиш 1994 йилнинг 1 сентябридан бошланади.

Билим юртига кириш учун қуйидаги ҳужжатлар топширилади: билим юрти раҳбари номига ариза, хўжаликдан йўлланма, таржимаи ҳол, туғилганлик ҳақида гувоҳнома, маълумоти ҳақида шаҳодатнома (асли), тавсифнома, турар жойидан маълумотнома, 3Х4 ҳажмидаги 6 дона сурат, тиббий маълумотнома (086-У андозада).

Ҳужжатлар 30 августгача қабул қилинади.

Билим юртининг манзили: Тошкент вилояти, Тошкент тумани, А. Абдурaҳмонов номли жамоа хўжалиги, 2-бўлим 10-сон ХБЮ. Телефон 56-689.

Билим юртига «Чорсу» метро бекатидаги автостанциядан 466-автобусда бориш мумкин.

«Анипра Импэкс ЛТД»

Ҳурматли жаноблар!

«Анипра Импэкс ЛТД» хорижий корхонаси Тошкент шаҳридаги омбордан эркин муомаладаги валютага ва Ўзбекистон Республикасининг миллий валютасига қуйидагиларни сотмоқда:

— эркаклар пойабзали (табиий чарм),
— ип газлама майкалар (Ҳиндистон),
— «Кока-Кола», «Фанта», «Диет Кола» салқин ичимликлари (БАА),
— ўсимлик, пальма ёғлари (Малайзия),
— «Гетенофф» ароғи (Германия),
— «Супра» (диагонали 72 см) телевизорлари (Япония),
— 486 DX—40 4MB, RAM/210, HDD/SVCA компьютерлари.

ТЕЛЕФОНЛАР: 56-33-57, 56-29-66, 54-99-61.

• Ҳамкасбларимиз ҳаётидан

АНВАРЖОН ҚАНДАЙ ҚИЛИБ МУҲАРРИР БЎЛДИ?

Халқ орасида: «Сен касбкорингни эъзозласанг, касби-коринг сени улуғлайди», деган нақл юради. Бу гаплар замирида ҳаёт воқеаларига қиёс балқиб турибди. Хўш, бу даъватни ижодкорга татбиқ этиб бўладими?

Ушбу ҳикматнинг маънисини кенгроқ мушоҳада қилиш учун журналист Анвар Юнусович Алимовнинг воқеаларга бой ижод йўлига бир нигоҳ ташлаш кифоя. Аскар йигит лашкарбоши, генералликни ҳавас қилгани каби Анваржон ҳам бирор нашрга етакчи бўлишни орзу қилмаган деб айтолмаймиз. Ўттиз беш йиллик қадрдонлигимиз даврида ундан газетага муҳаррир бўлиш орзусини эшитмаганмиз. Лекин қалбининг қат-қатида шундай орзу ниш уриб, йиллар оша улғайиб борган, бўлса не ажаб!

Бизнинг таассуротимизча, у кўп йиллар мобайнида газета муҳаррирлигига ўзини руҳан, ижодий жиҳатдан пухта ҳозирлаб борганига шубҳамиз йўқ. Анваржон қаерда ишламасин, журналистиканинг бош талаблари — тезкорлик, ғоявийлик, илғор тажрибани кенг ташвиқ этиш, ташкилотчилик, журналистика одобига оғишмай амал қилиб келди ва муттасил ижод билан шуғулланди. Мамлакат газета ва журналларида кўплаб мақолалар, репортажлар, ҳисоботлар, очерклар эълон қилди.

Кейинги 25 йил мобайнида муттасил республика автомобиль транспорти фаолиятини ташвиқ этиш билан шуғулланди — вазирлик ҳузуридаги илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси илғор тажрибаларни кенг ёйиш марказини бошқарди. Тармоқ ходимларининг ўз газетасини чиқариш масаласи кўтарилганда, ҳар ким турли таклиф айтган бўлса-да, мутахассислар якдиллик билдирдилар: «Тошшаҳарйўловчи т р а н с» давлат уюшмасининг «Мотор» газетаси етакчилигига Анваржоннинг номзодини тавсия қилдилар ва бу таклиф инобатга олиниб, у газета бош муҳаррирлигига тасдиқланди.

Бош муҳаррир бўлгунга қадар катта ижодий йўлни босиб ўтди. Унча-мунча ўзбек ўрисчада ўқиб мутахассис бўлишга дарҳол аҳд қилолмайди. Анваржон эса иккиланиб ўтирмади. Москва Давлат университетида ўқишни орзу қилганди. Ҳали студент экан, журналистика амалиётини «Комсомольская правда» газетасида ўтади. Газетада икки материали босилгач, бош редактор Алексей Иванович Аджубей Анваржонга қизиқиб қолди. Суҳбат вақтида Ўзбекистондан ҳам ёзиб туришни тавсия этди.

Дипломли журналист дастлаб «Правда Востока» газетасида ишлади. Ўзбекистон Телеграф агентлигида уч йил муҳаррирлик қилди. Сирдарё алоҳида вилоят бўлгач, «Сирдарьинская правда» газетаси мухбирлигига танлаб олинди. Қўриқ ирригаторлари фаолиятини ёритиш билан беш йил машғул бўлди. Оила, бола-чақали бўлгач, Тошкентга қайтди.

Ҳозир автомобилчиларнинг «Мотор» газетасини қизиқарли чиқариш борасида қизғин ижодий меҳнат қилмоқда. Ҳамкасбимизни муборак 60 ёши билан қутлаб унга мустаҳкам соғлиқ, оилавий тотувлик, журналистик фаолиятида янги парвозлар тилаймиз.

Жўра ХОЛҚОСИМОВ,
Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист.

• Жаҳон футбол чемпионати

МУРОД ҲОСИЛ, БРАЗИЛИЯ!

АҚШДА ФУТБОЛ БАЙРАМИ ЯКУНЛАНДИ

Бир ой мобайнида миллионлаб мухлислар катта футбол нафасидан баҳраманд бўлдилар. Жаҳоннинг манаман деган футбол жамоалари ғолиблик учун ўзаро баҳслашдилар. Жаҳон чемпионатининг финалига йўлланма олган 24 жамоа орасидан футбол сарварини аниқлаш учун кураш нечоғли муросасиз бахслар ва фавқулодда ҳодисаларга бой бўлди. Бу ҳаммаси спортнинг энг севимли ва оммавий тури йилдан-йилга дадил қадам ташлаётганидан нишона. Ўтган дам олиш кунлари мухлислар орзиқиб кутилган учрашувларнинг шоҳида бўлдилар. Якунловчи иккки учрашув ғолибу совриндорларни аниқлади.

Футбол қироли Пеленинг: «Бразилия чемпион бўлади», деган башорати ўз тасдиғини топди. Умуман, Бразилия ҳақида мухлислару мутахассислар ҳам яхши фикрларни билдирган эдилар. Англияни футбол ватани, Бразилияни эса футбол мамлакати, деб шунчаки эътироф этилмайди. Лотин Америкаси мамлакатлари орасида ўз футболи билан нуфузи баланд ҳисобланган Бразилия ишончни оқлади. Бўлмаса, чорак финал баҳсларида Оврупонинг Олмония, Испания, Болгария, Италия, Руминия, Швеция, Голландия каби ажойиб еттилиги қаторида турган ягона Бразилия футболчилари нималарга қодир эканликларини амалда намойиш этармидилар.

Саралаш учрашувларини энг қийин «В» гуруҳида ўтказган ва ҳал қилувчи баҳсгача мағлубият нималигини билмаган Бразилия футболчилари жами етти учрашувда бетакрор ўйинлар кўрсатиб, мухлисларга завқ-шавқ бағишладилар. Зеро, бу жамоанинқг якунловчи учрашувни Италия футболчилари билан ўтказиши ҳақида энг билагон башоратчилар ҳам бирон нима дейишмаганди. Умуман, итальянларнинг бу чемпионатда омадлари юришди, дейиш мумкин. Чунки бу жамоани «Е» гуруҳида ҳамма қатори 4 очко тўплаб, зўр-базур нимчорак финалга йўлланма олгани ҳаммага аён. Дурангу кичик ҳисобларни «хуш» кўрадиган бу жамоа оҳисталик билан илдамладики, спортчилар таъбири билан айтганда, гўё уларда «иккинчи нафас» пайдо бўлди.

Афсуски, финалга чиққан итальянларнинг чемпион бўлишига ҳамма ҳам ҳайрихоҳлик билдирмади. Боиси, инсоф билан айтганда, кутилмаганда бу жамоанинг чемпион бўлиши «адолатсизлик»дек эди. Ваҳолонки, тўп думалоқ, майдон эса текис деган, ибора бор. Зотан, финал учрашувида кутилмаган ҳолат юзаги келди. 90 минут мобайнида Бразилия футболчилари санъаткорона тўп суриб, усталик билан дарвозани нишонга олишга уриндилар. Итальянлар ҳам бўш келишмади. Мудофаа билан ҳужумкорликни уйғунлаштира билдилар. Аммо ишқибозлар кутган чиройли голлар бўлмади. Гўё дарвозалар сеҳрлангандай эди. Қўшимча 30 минутли вақтда ҳам дарвозалар даҳлсиз қолди. Шундан кейин футбол тарихида биринчи марта финал ўйинида 11 метрли жарима тўплари тепиш белгиланди. Чемпионлик тақдири ана шу тўпларга боғлиқ бўлиб қолди.

Томонларнинг чарчашгани кўзга ташланарди. Лекин улар дадилликни бой бермасликка, имкониятдан фойдаланишга жазм этдилар. Галма-галдан жарима тўпларини тепиш шу даражага бордики, кимдир хато қилса, ким биринчи уришгача тўп тепиш манзараси юзага келган эди. Чемпионат мобайнида оғизга тушган, бир неча марта олқишлар олган италиялик Роберто Баджонинг қалтис ҳаракати чемпионлик тақдирини ҳал қилди. У гўё менсимагандай тўпни дарвоза устидан юқорилатиб, Италияни чемпионлик унвонидан маҳрум этди. Шу тўп тепилган замонқ мухлислар Бразилия футболчиларини олқишлай бошладилар. Чунки умумий ҳисоб Бразилия фойдасига 3:2 бўлиб турган эди.

Шундай қилиб, Бразилия жамоаси тўртинчи марта жаҳон чемпиони унвонига сазовор бўлди. Мухлислар жаҳон кубоги мусобақа ўтган томонда қолармикан ёки Оврупога олиб ўтилармикан, деган мулоҳазада эдилар. Ҳайтовур анъана бузилмади. Ҳамиша бўлганидай, бош соврин чемпионат ташкил этилган тарафда, океан ортида қолди. Лекин Бразилия жамоаси бу анъанани бир марта «бузгани» қайд этилган. Хусусан, 1958 йили Швецияда ўтказилган чемпионатда Бразилия ғолибликни қўлга киритган эди.

Бугунгача Оврупо мамлакатлари билан Лотин Америкаси футбол жамоалари етти мартадан юксак унвонга сазовор бўлишган. Жумладан, Италия, Олмония уч мартадан, Англия бир марта чемпионликка эришган. Айни пайтда Уругвай билан Аргентина икки мартадан, Бразилия уч марта чемпион бўлган. Умумий ҳисоб 7:7 эди. Бразилия футболчиларининг тўртинчи марта жаҳон кубогини қўлга киритиши билан бу ҳисоб Лотин Америкаси фойдасига 8:7 бўлди.

Хўш, учинчи ўрин кимга насиб этди? Бу борада қисқача тўхталишимизнинг боиси бор. Чунки чемпионатда кўпчиликни ҳайратга солиб, ғолибликка даъвогарлар қаторидан жой олган болгар футболчиларини ярим финал учрашувини сусткашлик билан ўтказишини ҳеч ким кутмаган эди. Улар учинчи ўрин учун курашда ҳам жон куйдиришмади. Швеция жамоаси болгарлар дарвозасини тўрт марта нишонга олиб, бронза медали совриндори бўлди.

Халқаро футбол уюшмасининг президенти Жоа Авеланж совриндорларни мубораксд этиб, кумуш ва бронза медалларини тақдим этди. Олтин медаллар Бразилия футболчиларига насиб қилди. Чемпионлар капитани Дунга жаҳон кубогини баланд кўтарганча олқишлар остида зафарли юриш қилди. Бир ой мобайнида ўнлаб учрашувларнинг шоҳида бўлган ўзбекистонлик мухлислар ҳам сўнгги марта тунни тонгга улаб, унутилмас таассуротларни кўнгилларида туйдилар.

Ҳайдар НОСИРОВ.

ОРАЛИҚ МАРРАДА

Олий лига футбол жамоалари мамлакат миллий чемпионатининг дастлабки давраси ўйинларини якунлашди

Юртимизда футболни янада ривожлантириш, оммавийлигини таъминлашда олий лига жамоаларининг ўрни алоҳида ҳисобланади. Умуман олганда, республика терма жамоаларининг куч-қувват ирмоқлари ана шу футбол жамоаларига уланган. Ўзбекистоннинг халқаро нуфузини кўтаришда ҳам умидимиз ана шу олий лигачиларга боғланади. Хўш, футболчиларимиз мухлислар кутганидек ўйин кўрсатишяптими?

Сирасини айтганда, ҳамма учрашувларда ҳам ҳужумкорликка зўр бериляпти, астойдил тўп суриб ғалаба сари интилиш бўляпти, дейиш қийин. Эрта баҳордан бошланган футбол пойгаси оралиқ маррага ҳам етиб келди. Зеро, ўтган йилнинг шу давридаги манзарага назар ташлайдиган бўлсак, ўзгаришлар борлиги кўзга ташланади. Фақат Фарғонанинг «Нефтчи» жамоаси мухлисларни мамнун этиб турибди. Улар бу йил ҳам карвонбошилик қилишмоқда. Нефтчиларнинг бугунгача биронта ҳам мағлубият аламини тортишмагани ҳам шундан нишона. Афсуски, пахтакорчилар ҳақида бундай илиқ гапларни айтиш қийин. Миллий чемпионат ташкил этилганидан бери ҳамиша пешқадамликка интилиб келган пахтакорчиларга нима бўлди ўзи? Нега улар мавқеларини бўшаштириб юбормоқдалар? Ваҳолонки, «Пахтакор» учун жаҳон чемпионати ўтказилувчи йилларда кўтаринки руҳда ўйнаш анъана эди.

«Нурафшон», «Политотдел», «Темирйўлчи» ва МХСК футболчилари эса бу йилги мавсумда ўзларини бирмунча ўнглаб, ишқибозларини қувонтиришди. Айни пайтда «Орол», «Гулистон», «Чирчиқ» жамоалари ўйинлар жадвалининг сўнгги поғоналарига маҳкам «ўрнашиб» кўпчиликни ранжитишмоқда. Албатта, жамоаларнинг имкон қадар ўйин кўрсатиб, мавқеларини мустаҳкамлашларига ҳали фурсат бор. Зеро, бой берилган имкониятларнинг ўрнини тўлдириш осон бўлармикан?

ЖАДВАЛНИНГ ДОВОНОЛДИ ҲОЛАТИ

	Ю	Д	М	Т	О
Нефтчи	12	3	0	44-20	27
Нурафшон	10	4	1	35-17	24
Политотдел	9	2	4	26-13	20
Темирйўлчи	8	2	5	28-23	18
МСХК	7	4	4	31-16	18
Пахтакор	7	4	4	28-19	18
Навбаҳор АСК	6	5	4	27-16	17
(Термиз)	7	2	6	22-24	16
Сўғдиёна	6	4	5	23-17	16
Трактор	4	6	5	14-15	14
Наврўз	5	3	7	14-25	13
Янгиер	3	4	8	18-19	10
Атласчи	3	4	8	15-26	10
Чирчиқ	3	1	11	14-40	7
Орол	2	3	10	13-26	7
Гулистон	2	1	12	4-40	5

ЎТГАНЛАРНИНГ ОХИРАТИ ОБОД БЎЛСИН!

«Ўздеҳқончиликқурилиш» бирлашмасининг жамоаси ва Бошқарма аъзолари 2-сон «Жиззахвилоятдеҳқончиликқурилиш» трести бошқарувчиси

Шойзоқ Эрназарович ҚОРАҚУЛОВнинг

бевақт вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг қариндошлари ва яқинларига чуқур таъзия билдиради.

МУАССИС:
ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»

Бош муҳаррир Азим СУЮН.

Таҳрир ҳайъати: Абдулла ОРИПОВ, Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ, Азиз НОСИРОВ, Асилиддин БОЛИЕВ (масъул котиб), Зиёд ДАВРОНОВ, Ислом ШОҒУЛОМОВ, Каримжон РИҲСИЕВ, Миршароф МУҲСИМОВ, Олимжон НАЗАРОВ, Тўхтамурод ТОШЕВ (бош муҳаррир ўринбосари, «Оснё бозори» иловаси учун масъул), Шоқосим ШОИСЛОМОВ, Шуҳрат ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари).

Мафкура ишлари ва партия ҳаёти бўлими — 33-20-36, 32-54-35.
Иқтисодиёт бўлими — 33-47-80, 32-54-27.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ бўлими—33-54-55, 32-55-06.
Адабиёт, фан ва маданият бўлими — 33-07-20, 32-57-19.
Хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 33-11-49, 33-76-04.
Ахборот ва спорт бўлими — 33-12-56, 32-55-16.
Тижорат, эълонлар — «Оснё бозори» редакцияси — 33-41-89, 32-55-70, 33-38-55, 32-54-12.
Қабулхона — 33-65-45, 32-55-15.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Андижонда — 5-27-11; Бухорода — 3-54-87; Гулистонда — 2-26-22; Жиззахда — 3-31-86; Навоийда — 3-74-76; Наманганда — 6-43-43; Нукусда — 7-58-83; Қаршида — 3-25-79; Қумқўрғонда — 32-624; Самарқандда — 35-22-90; Урганчда — 6-72-60; Фарғонада — 6-37-16.

● Рўйхатдан ўтиш тартиби № 000120.
Газета офсет усулида А—2 форматда босилади.
Ҳажми 2 босма табоқ.
Босишга топшириш вақти — 21.00.
Г—1037 т. 72841 нусхада босилди.
Навбатчилар: О. НАЗАРОВ, А. ПЎЛАТОВ.



МАНЗИЛИМИЗ: 700083. ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили «БуюкТурон» кўчаси 41-уй. топширилди—23.00 123456.